Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 18 июнь
ШАНБА
№ 137 (4.333).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

КООПЕРАЦИЯНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Мамлакатимиз жамият социал-иқтисодий ва маънавий ҳаётн ҳамма соҳаларини тубдан қайта қуриш муаммоларини амалий жиҳатдан ҳал этиш босқичига кирди. Бу жараён бугунги кунимиз реал воқелиги бўлиб қолди. У тобора куч тўпламоқда, ҳам бўйига, ҳам энига қараб кенгайиб бораяпти, аҳоли барча табақалари бу ишга фаол жалб этилмоқда. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати энг муҳим вазифаларни ҳал этишга эътиборни қаратиб, бутун куч-ғайратни сарфлаган ҳолда туб ислоҳотни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга зўр бермоқдалар. Бу йўл халқ хўжалиги комплексига рақбарликнинг иқтисодий усулларига ўтишдан, меҳнат коллективлари ва ҳар бир ходимнинг юксак пировард иш натижаларидан маънавий ҳамда моддий манфаатдорлигини оширишдан иборатдир.

СССР Олий Советининг яқинда ўз ишини якунлаган тўққизинчи сессияси кўриб чиқиб маъқуллаган кооперация тўғрисидаги қонун партиямиз мамлакат меҳнаткашлари олдига қўйган улуғвор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради. Бу ҳужжат янги шароитда кооперацияга ленинча ёндашувни тиклашга даъват этилган, унда жамиятимиз ҳаётининг бугунги талаблари ҳисобга олинган. Мамлакат олий ҳокимият органи депутатларни таъкидлаб ўтганларидек, қонунда аҳолининг шахсий манфаатлари, уни давлат томонидан текшириш ва назорат қилиш, жамият манфаатларига бўйсундиришни муштарак олиб боришнинг зарур даражаси топилган. Биз Владимир Ильич Ленининнинг: «Кооператив ташкилотлар тармоғисиз социалистик хўжаликни ташкил этиш мумкин эмас», — деган сўзларини ҳамиша ёдда тутишимиз керак.

Сессия тасдиқлаган СССРда кооперация тўғрисидаги қонун, мазкур ҳужжатнинг ўзида таъкидланганидек, «...кооперациянинг улкан потенциал имкониятларини, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришда унинг роли ортиб боришини очиб бериш, хўжалик ҳаётини демократиялаш жараёнини кучайтириш, колхоз ҳаракатига янги омил бахш этиши, аҳолининг кенг табақаларини кооперативларга жалб этиш учун шароит яратиши» лозим.

Янги қонун мамлакатимиз агросаноат комплекси меҳнаткашлари учун жуда катта имкониятлар очиб бермоқда. Чунки унда колхозлар ва матлубот кооперациясининг ҳақиқий моҳиятини рўёбга чиқариш кўзда тутилган, меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳсулот ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилашда кенг фаолият майдонини юзага келтиради. Қишлоқларда ташкил этилган кооперативлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бу иш аниқ, уюшқоқлик билан йўлга қўйилса, унга ташаббускор, ғайратли, ишбилармон кишилар бошчилик қилишса, салмоқли ютуқларга эришиш мумкин.

Янги қонун гражданларга кооперативга ихтиёрий равишда кириш ва ундан бемалол чиқиш, кооперативнинг барча ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини беради, бундай уюшмаларнинг қарорлар қабул қилишдаги мустақиллиги ва беқарамлигини, социал адолатни ва меҳнатда социал тенгликни гарантиялайди. Бироқ, тажриба шуни кўрсатаяпти-ки, партия, совет, хўжалик органлари кооперативлар, айниқса колхозлар фаолиятига аралашишни ҳамон давом эттирмоқдалар. Боғи-боғидек хўжаликларга нимани қачон ва қандай экиш хусусида директив кўрсатмалар берилаяпти. Мамлакат экономикасининг агросаноат секторига рақбарликдаги маъмурий услуб ходимларнинг ташаббусини бўғиб қўйди, чинакамига ишлаш, ички резерв ва имкониятлардан маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштиришга оқилона сафарбар қилишдаги имкониятларини чеклайди.

Бизнинг республикамиз кооперацияни ривожлантиришда катта потенциалга эга. Қарийб йил бўйи очиқ ҳавода ишлаш мумкин бўлган қулай иқлим, ҳоли меҳнат ресурсларининг кўплиги — буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги кооперативлар сонини кўпайтириш учун имкониятлар вужудга келтиради. Афсуски, ҳозирга қадар бундай потенциалдан яхши фойдаланилмаяпти.

Колхоз ва совхозларда оила, ижара пудрати жуда суст, қийинчиликлар билан ўзига йўл очмоқда. Ахир, бу ҳам кооперация шакларидан бири бўлиб, унда одамлар меҳнат коллективига ихтиёрий равишда бирлашган ҳолда давлатдан ижарага ер, техника ва бошқа меҳнат ресурсларини оладилар, ўрнига эса белгиланган қатъий баҳоларда тайёр маҳсулот етказиб берадилар.

Республикамиз қишлоқларида саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган, маиший хизмат кўрсатадиган кооперативлар жуда кам. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг уй-жой-коммунал хўжалик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бош бошқармаси маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда бор-йўғи 62 та кооператив фаолият юритмоқда. Улардан 23 таси миллий таомлар тайёрлаш ва сотиш, 21 таси тўловли ва маиший хизмат кўрсатиш, 18 таси халқ истеъмоли товарларни ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Жами 540 киши ишлаяпти. Маҳсулотни реализация қилиш, хизмат кўрсатиш умумий ҳажми йилига 7 миллион 215,5 минг сўмни ташкил этади, холос. Мавжуд имкониятлар ва эҳтиёжларга қараганда бу кўрсаткични ўн баравар ошириш бўлади.

Бошқа жойлардагига нисбатан Фарғона, Андижон, Самарқанд областларида бу соҳада иш бир мунча дурустроқ йўлга қўйилган, дейиш мумкин. Масалан, Москва районида 17 та бирлашма тузилган. Ёшлар учун кўйлаклар, шимлар, болалар кийим-кечаклари тикадиган «Чевар» кооперативи маҳсулоти аҳолига айниқса манзур. Ҳозир бу ерда 50 киши— асосан кўпболали оналар, пенсионерлар ишлашмоқда. Одамлар «Восход», «Автомобилчи», «Тандирчи», «Сантехник», «Самот» ва «Баҳор» кооперативларидан миннатдор бўлмоқдалар. Уларнинг очилиши 200 дан ортиқ уй бекасини иҳтиёрий фойдали меҳнатга жалб этиш имконини берди.

Афсуски, бундай ижобий мисоллар кам. Кўпчилик партия ва совет, хўжалик органларининг рақбарлари бу ишда кутиш позициясини эгаллаб турибдилар, позиция даражасида ташаббус ва қатъиятлик кўрсатмаяптилар. Қорақалпоғистон АССР, Наманган, Бухоро, Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах, Қашқадарё областларида Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети йўли билан бор-йўғи 1—4 тадан, у ҳам бўлса асосан умумий овқатланиш кооперативлари ташкил этилган экан, бунинг бошқача изоҳлаш мумкинми?!

Кооперативчилик ҳаракатини янада ривожлантириш йўлидаги муаммолар оз эмас. Бу моддий-техника таъминотининг ёмонлиги, малакали мутахассислар етишмаётганлиги ва бошқа камчиликлардир. Баъзи рақбарлар ихтиёрий бирлашмалар фаолиятини қаттиқ тартибга солиб туришга интилаётганликлари ҳам ишга халақит бермоқда. Кооператорлар орасида нопок қўлли кишилар ҳам йўқ эмас, уларнинг бирдан-бир мақсадлари шахсий бойлик орттиришдир. Шу тариқа аҳоли кўз ўнгида жуда зарур ва фойдали иш обрўсизланиб қолмоқда.

СССРда кооперация ҳақидаги қонун бутун мамлакатимиз, совет халқи ажойиб воқеа — XIX партия конференциясига қизғин тайёргарлик кўраётган кунларда қабул қилинди. Олий анжуманда бир қатор муҳим масалалар қатори ишлаб чиқариш ва социал соҳада кооперативлар ролини ошириш ҳақида ҳам гап боришн шубҳасиз. «Партия пудратнинг хилма-хил шакларини ривожлантириш, мавжуд хўжаликлар доирасида ҳам, шунингдек, бошқа корхоналар ва экономика тармоқларининг ўзаро алоқасида ҳам кооперативларнинг кенг тармоғини вужудга келтириш орқали колхоз ва совхозларнинг имкониятларини ҳар томонлама рўёбга чиқариш йўлини тутди». КПСС Марказий Комитетининг Бутениттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларидаги ана шу сўзлар кооперативчилик ҳаракати олдида янги нурли уфқлар очилаётганлигидан далолат беради.

РИЗҚ-РЎЗ САРЧАШМАСИДА

ЛАЛМИ ЕР САХОВАТИ

Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз ғаллакорларининг қувончи чексиз: 22.400 гектар лалми майдонда қутилганидан зиёда мўл ҳосил етиштирилди. Эндиги вазифа уни қисқа муддатда, нест-нобуд қилмасдан саранжомлаб олишдан иборат. Шу боисдан хўжаликда ўрим-йиғим кун сайин қизитилмоқда. Барча ишлар отряд ва звеноларга тақсимланган. Улар долзарб кунлар қадрини ҳис этган ҳолда тиғиз график асосида ҳаракат қилишаяпти.

Биз тажрибали ғаллакор Хуррам Жўраев бошқараётган бўлимдамиз. Пайкалларда 22 та комбайн наъра тортмоқда. Янчилган ҳосил пешма-пеш хирмонга ташилаётир. Меҳнат аҳли жорий йилда 4.600 гектар майдонда буғдой ва арпа ўстиришганди. Ҳозиргача 2.500 гектардаги ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига 14—16 центнердан тушмоқда.

Беллашувда Суюн Жўраев бошлиқ бригада байроқдорлик қилаяпти. Бу ерда ҳар гектар пайкалдан 18—20 центнердан сара дон олинмоқда. Эрта-индин ўрим-йиғим тугалланади.

Комбайнчилар баҳсида «Ҳурмат белгиси» ордени соҳиби Жуман Лапасов, Турди Алимов, Мойли Жўраев, Дониёр Турғунов, Отамурод Аминов, Холбозор Қулбуловларга ҳеч ким бас кела олмаяпти. Уларнинг ҳар бири кунига 12—14 гектардаги ҳосилни ўрмоқда. Ғаллани ташишда эса 2529-автоколонна ҳайдовчиларидан Раим Истошев, Баҳодир Абдураҳмонов, Ўроқ Қурбоновлар алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар.

Ж. БОБОРАҲМАТОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Биринчи бўлим агрономи Санд Чоршанбиев (ўнгда) ва комбайнчи Боймурод Жавлиев ҳосил чўғидан мамнун. 2. Пешқадам комбайнчи Жуман Лапасов.

ПУДРАТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

«Правда» совхозидан Майрамхон Марзаеванинг оилавий звеноси Ёзёвон хўжаликлари орасида энг кўп карам ҳосили олди. Пудратчилар уч гектарнинг ҳар гектаридан 200 центнер — план топшириғидан 30 центнер ортиқ карам узиб олдилар.

Совхозда узилган карамнинг 2 тоннаси ошхонага қолдирилди, қолганлари эса мамлакатнинг саноат марказлари ва область магазинларига юборилди. Оилавий звено аъзолари эртаги карамдан бўшаган ерга бақлажон ва бодринг экдилар.

ХИРМОНГА БАРАКА КИРМОҚДА

Термиз районидаги «Намуна» колхози ғаллакорларн уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, мавжуд пайкалларда жорий йил планини қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирдилар. Қозонбой Ҳайдаров бошлиқ бригадада бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда 3 та комбайн тўла қувват билан ишлаётган эди.

— Олдинда бораётгани Тўйчи Мўминов, — деди бригада саркори. — Ҳалол, меҳнатсевар ва жонкуяр йигитларимиздан. Ҳар йили мусобақада ғолиб чиқади. Бу йил ҳам унга теңг келадигани топилмаяпти. Кеча 6,5 гектар майдондаги буғдойни йиғиштириб олди.

Тўйчининг шерикларн Файзулла Тўраев ва Аллан Ҳайдаров ҳам бўш келаётганлари йўқ. Уларнинг ғайратлари туфайли хирмон кун сайин юксалмоқда. Ҳосил ташишда эса Рашид Мирзаев пешқадам.

Хирмонжойда Жума Шойназаров ва Жўра Эргашевнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар куз, қиш ва баҳорда экинни экиш, парваришлаш ҳамда оби ҳаётга қондиришда ғайрат кўрсатишганди. Бугунги кунда донни тозалаш билан банд.

Меҳнат аҳли 40 гектар майдонда буғдой, 15 гектарда арпа ўстиришган. Ҳозирча гектар ҳисобига 35 центнердан ҳосил саранжомланмоқдаки, бу белгиланганидан 11 центнер кўп. Айни пайтда ҳосилдан бўшаган пайкаллар пешма-пеш ҳайдалиб, такрорий экин экишга ҳозирланмоқда.

Районнинг бошқа хўжаликларида ҳам ўрим-йиғим қизғин бормоқда. Ғаллакорлар Бутениттифоқ XIX партия конференцияси бўладиган йилда 415 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтариш ниятида бутун куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

Д. НОРМУРОДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

16 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев раислигида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлисда республика Олий Совети депутатлари Т. М. Тусеева билан Т. Жўраевнинг ахборотлари тингланди. Президиум уларнинг депутатлик ваколатларини амалга ошириш борасидаги фаолиятига ижобий баҳо бериб, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатларига омма ва меҳнат коллективлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш учун ривожланиб бораётган демократия ҳамда ошкоралик имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланишни, аҳоли билан норасмий учрашувларни кўпроқ ўтказиб туришни, ўз сайлов округларининг муаммолари юзасидан совет ва хўжалик органларига, мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқидан кенгроқ фойдаланишни, қайта қуришнинг олдинги сафларида бўлишни тавсия қилди.

Халқ депутатлари Хоразм область Советларининг гражданларнинг мурожаатномаларида кўтарилаётган социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш соҳасидаги ишлари кўриб чиқилди. Хоразм область ижроия комитетининг раиси Р. М. Худойберганова ҳисобот берди.

Президиум халқ депутатлари Хоразм область Совети ижроия комитетининг эътиборини гражданларнинг мурожаатномаларида кўтарилаётган иқтисодий ва социал муаммоларни ҳал этишга доир ишларнинг қониқарсиз эканлигига қаратди. Область Советига область маҳаллий Советларининг ва уларга бўйсунувчи органларнинг бутун фаолиятини тубдан қайта қуришни жадаллаштириш, уларнинг куч-ғайратларини бутун аҳоли манфаатларига даҳл қилувчи бош йўналишларга қаратиш таклиф этилди. Гражданларнинг мурожаатномалари устида ишлашни янада такомиллаштириш, бюрократизм, сансалорлик, тошбағирлик билан муносабатда бўлиш фактларига бутунлай барҳам бериш йўлида конкрет чоралар амалга оширилсин. Доимий комиссиялар, халқ депутатлари хатлар билан ишлашга кенгроқ жалб этилсин, омма билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг сайёр қабуллар, меҳнат коллективлари билан ва истиқомат жойларида учрашувлар каби муҳим воситаларидан самаралироқ фойдаланилсин.

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Советининг КПСС XXVII съезди талаблари асосида жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш соҳасидаги фаолияти кўриб чиқилди. Навоий шаҳар ижроия комитетининг раиси И. Х. Нарзиев ҳисобот берди. Ўзбекистон ССР Олий Совети қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг раиси А. Ғ. Кадин ушбу масалани тайёрлашда қатнашган делегатлар группаси номидан ахборот берди.

Президиум Навоий шаҳар Советининг бу борадаги ишини қониқарсиз, деб топди. Шаҳар Совети, унинг ижроия комитетига қайд этиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўриш таклиф қилинди.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Советига, халқ депутатлари область ҳамда Тошкент шаҳар Советларининг ижроия комитетларига шаҳарлар ва аҳоли пунктларида жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволини таҳлил этиш, социалистик мулкни ва жамоат тартибини сақлаш тўғрисидаги қонунларни бажаришга доир ташкилотчилик ишини кучайтириш топширилди. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ва Юстиция министрлигига, республика Олий судига конкрет топшириқлар берилди.

Президиум республика давлат турмушига доир бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама этишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосарлари А. П. Романовский ва Т. А. Ешимбетова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. Ш. Беккулбекова, президиум аъзолари А. Акбаров, Р. Отақўзиев, Э. Т. Зоҳидов, П. П. Мельников, Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси Р. Ғ. Ғуломов қатнашдилар.

Озиқ-овқат программаси амалда

Нефтчиларнинг ёрдамчи хўжалиги

Бир неча йил муқаддам «Андижаннефть» нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг ишчилар таъминоти бўлимида ёрдамчи хўжалик ташкил этиш хусусида фикр билдирилганида, э, бунақанги хаёлий нарсаларга бош қотиришнинг нима кераги бор, дегувчилар бўлган. Ёрдамчи хўжаликнинг эртанги кунини тасаввур қилолмаганлар бугун мулзам. Негаки, унда етиштирилаётган маҳсулотлар магазинларга, ошхоналарга узлуксиз келиб турибди. Помидор, бодринг, лимон, пиёз етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бораяпти.

Иш теплица хўжалигини барпо қилишдан бошланди. Жанубий Оламушук посёлкаси яқинида ўркач-ўркач қир-адирлар фойдаланилмай ётарди. Иссиқхона ўша қирнинг пастки қисмида қад кўтарди. Умумий майдони 11.640 квадрат метр. Фойдаланиладиган қисми эса 7.940 квадрат метр. Дастлабки йили анча машаққатли бўлди. Биринчи навбатда шунча катта майдонни иситиш муаммоси бор эди. Аввалига газ билан иситишди. Қиш кунлари аҳолига берилаётган газ озайиб кетганлиги сабабли тўхтатиб қўйилди. Келаси йили мазут билан ҳам ишлайберадиган иситгичхона қурилди.

Шундай қилиб ёрдамчи хўжалик маҳсулот бера бошлади. Тўғри, бир-икки йил зарар келтирди. Етиштирилган ҳосил сарф-харажатларни қоплай олмади. Лекин харажатига чидаган фойдасини ҳам кўради, деган нақл бор. Йиллар ўтиб сабзавот етиштириш кўпайиб борди. Теплица фойда келтира бошлади. «Андижаннефть» кони, Полвонтош, Жанубий Оламушук посёлкалари аҳолисини қишин-ёзин янги помидор билан таъминлаш имконияти яратилди.

Бу йил теплица хўжалигида 63 тонна ёки 121 минг сўмлик помидор етиштириш планлаштирилган. Январь, февраль, март ойидаёқ 20,4 тонна помидор, 2 тонна бодринг етказиб берилди. Ҳосил ниҳоятда мўл. Ялпи ҳосилни 80 тоннадан оширамиз, дейишаяпти. Ишчи посёлкаларидаги озиқ-овқат, сабзавот магазинларида қишда ҳам помидор сотилиб турибди. Булардан ташқари теплица хўжалигида етиштирилган сабзавот Андижондан Тюмень областига бориб ишлаётган нефтчиларга ҳам узлуксиз етказиб берилмоқда.

18 сотих лимонарийда 280 туп кўчат парвариш қилинди. У ўтган йилдан бошлаб ҳосил бера бошлади. 1987 йилда лимондан 11,8 минг сўмлик, бу йилнинг уч ойида эса 8,4 минг сўмлик фойда олинди.

Теплица хўжалигида Саломатхон Хотамова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат қилади. Улар 11 киши. Ҳаммаси аёллар. Солиянхон Бозорқулова, Турдихон Жиянбоева, Гулнора Эргашева, Фотима Турамоновалар ўз ишларининг устаси бўлиб кетишган.

— Бу йил, — дейди Саломатхон, — бир квадрат метр жойдан 10 килограммдан ҳосил оламиз. Келаси йилда бундан ҳам кўпайтирамиз. Коллективимиз аҳил. Бригада пудрати усулида ишлаймиз. Моддий манфаатдорлигимиз яхши.

Ишчилар таъминоти бўлимининг ёрдамчи хўжалиги сертармоқ. Сабзавот экинлари кўчатини ҳам ўзларида етиштиришаяпти. Бу йил 300 минг туп кўчат тайёрланди ва шунинг ўзидан 6 минг сўм даромад олинди. Келаси йилдан учала посёлка аҳолисини ҳам арзон помидор, карам, болгар қалампири кўчатлари билан таъминлаш имконияти яратилади.

Бўлим бошлиғининг қишлоқ хўжалиги ишлари бўйича ўринбосари Усмонжон Эшонқулов бизни чорвачилик комплекси сари етаклайди. Қир ортига жойлашган бу комплексда 518 бош чўчқа, 420 бош қўй боқилаяпти. Она чўчқаларга мўлжалланган бино алоҳида-алоҳида хоналарга ажратилган. Унинг кенглиги 3 метр квадрат. Бу ерда оилавий пудрат усули қўлланилаяпти. Мустафо Хуснуллин, унинг умр йўлдоши Даша Боголдинова, ўғиллари Маҳмуд Хуснуллинлар иши билан танишдик.

— Қирқ йилдан бери чўчқачилик билан шуғулланаман, — дейди Мустафо ака. — Шу ерда ишлаб берасиз деб илтимос қилиб қолишди. Мана онлам билан ишлаяпман. 300 та она чўчқани парвариш қилаяпман.

— Бу жойда чўчқа болалари вазни 30—40 килограммга етганда,—дея суҳбатни давом эттиради Усмонжон, — уларни саралаб ёнидаги бинога ажратамиз. Бўрдоқибоқаримиз икки киши — Ойтўти Исабоева билан қизи Гулнора. Олти ойда 100 килограммданга етади. Кейин шу ерда сўйиб, учала посёлкадаги магазин ва ошхоналарга юборамиз.

Қўйчиликда ҳам худди шу усулни қўллашаяпти. 268 бош совлиқдан 270 та қўзи олинди. Бироз парвариш қилингач, қўчқорлар ажратилиб, алоҳида парвариш қилинади ва кейинчалик бўрдоқига боқилади. Ҳозир ўтган йилги қўчқорлардан 60 боши бўрдоқига боқилаяпти. Вазни 60 килограммга етганда гўштга топширилади. Қўй гўштининг нархи 1 сўм 70 тийиндан. Ўтган йили ёрдамчи хўжаликда 365,2 центнер чўчқа ва 76,8 центнер қўй гўшти етиштирилди ва ишчиларга сотилди.

Ёрдамчи хўжалик чорвасини ем-хашак билан таъминлаш масаласи ҳам бир вақтда ҳал қилиб борилаяпти. Ҳозирги кунда фойдаланилаётган 60 гектар ердан имкони борича юқори ҳосил олишга ҳаракат қилинаётир. 19 гектар ерда маккажўхори, 6 гектарида эса беда ўстирилаяпти. Бу йил 6 гектар ерга пиёз экилди. Янги ташкил қилинган боғнинг очиқ жойларида ҳам озуқа экинлари етиштирилаяпти. Умуман, ўтган йили ёрдамчи хўжаликдан 1.058 центнер дон, 940 центнер сабзавот, 1.230 центнер пичан, 2.131 центнер силос олинган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткичларни бир ярим баробар ошириш кўзда тутилган.

Хўжаликда амалга оширилаётган яна бир хайрли иш кишини қувонтиради. 1990 йилга бориб, нефтчиларни маълум даражада мева билан таъминлаш ҳам зиммага олинаяпти. Икки йил аввал экилган олма ва шафтоли кўчатлари бу баҳорда қийғос гуллади. Яна қўшимча 5000 туп мевали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, парвариш қилинмоқда.

— Бизни қийнаётган муаммо сув масаласи, — деди «Андижаннефть» ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи Ғанижон Солиев. — 60 гектар майдонни обод қилдик. Ёрдамчи хўжалигимиз икки йилдан буён фойда келтираяпти. Қатортолдан артезиан сувини олаяпмиз. Гулбаҳор насос станциясидан берайтган сув бир томчидай гап. Агар сув таъминоти яхшиланса, яна 40 гектар янги ер ўзлаштиришга қурбимиз етади. Ахир адир бекор турибди-ю. Сув етарли бўлганда эди...

Ғанижоннинг афсусларини англадим. Тасаввур қилинг, ёрдамчи хўжалик ери 100 гектарга етса. Теплицаси кенгайса, чорваси ривожланса, боғи ҳосилга кирса.

Дангалини айтиш керак: ишчилар таъминоти бўлимининг ёрдамчи хўжалиги область ва республикадаги мутасадди ташкилотлардан, уларнинг раҳбарларидан кўп нарса талаб қилишаётганлари йўқ. Биргина сув масаласини ҳал қилиб беришса бас. У ёғига аравани ўзлари бемалол тортишаверади.

Ёрдамчи хўжаликда келгусида сигир, товуқ парвариш қилиб, сут, тухум етиштириш масаласида аллақачон фикрлаш бошланган. Теплица хўжалигини икки баробар кенгайтириш, лимонарийни бир гектарга етказиш режалари ҳам тайёр. Демак, узоғи билан 1995 йилларга бориб, ишчилар таъминоти бўлими озиқ-овқат маҳсулотларининг барча турларини — гўшт, сут, тухум, помидор, карам, картошка, сабзи, пиёз, бодринг, лимон, ошқўкигача ўзининг ёрдамчи хўжалигида етиштиришга ва учала посёлкада истиқомат қилаётган нефтчиларни юқоридаги маҳсулотлар билан етарли даражада таъминлашга эришади. Мен айни қишнинг қирчиллама кунларида нефтчиларнинг магазинларида эндигина узиб келинган арзон помидор, бодрингнинг мўл-кўл бўлиб туришини тасаввур қилдим. Ўз ёрдамчи хўжалигида етиштирилган олма, ўрик, шафтолини кўз олдимга келтирдим. Менинг назаримда шундай кунларга бир қадамгина қолибди. Қимирлаган қир ошади, дейдилар. Қир ошганлар эса довонни ҳам писанд қилмайди. Ишчилар таъминоти бўлими экономикадаги туб ислоҳотни ўзининг бўй кўрсатиб қолган ёрдамчи хўжалигида намоён қилишига ишонгим келади.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ЭЗГУЛИК ДЕБ ЯШАДИ

1976 йил, кеч куз. Бир ойдирки, Рофе ака касалхонада. Бош кўтаргани қўйишмайди. Айни терим қизиғи пайтда ётиб қолганини қаранг-а. Инфаркт деганн қаёқдан ёпиша қолди. У деразадан кўриниб турган азим чинорларга маъюс термуларкан, хотини айтган гапни эслади:

— Қаҳрамон икки ҳафтага келаётганмиш.

Нега, хизматини бошлаганига ҳеч вақт бўлгани йўқ-ку? Наҳотки дарди шунчалик оғир бўлса? Кейинги кунларда бош врач қандайдир ғалатироқ: доим кўзини олиб қочади. Тошкентдан профессор чақиртирибди. Мубор ҳам қишлоққа кетмай қўйди...

Унинг синчков нигоҳи фарзандлари, айниқса хотинининг изтироб билан унга термулиб қолишларидан аҳволни фаҳмлай бошлаганди. Оғир, сўнгсиз хаёллар ўз гирдобига тортар, юраги ноҳуш хаприқарди. Йўқ, уни ташвишга солаётган нарса ўлим эмас. Неча бор ажал билан юзма-юз бўлиб, уни доғда қолдириб кетган.

Ҳа, беомон жангу-жадалларда ўлиб кетиши ҳеч гап эмасди. Врачлар асраб қолишди. Бахти бор экан, ғалаба билан она қишлоғига қайтди. Оила қурди, бола-чақали бўлди, тўй-томоша кўрди.

Рофе ака правление раиси сифатида ҳар йили колхозчиларга ҳисоб берарди. Энди эса виждони олдида имтиҳондан ўтадиган вақт етиб келган кўринади.

Эл оддий деҳқон фарзандини эъзозлаб, масъул ишларга кўтарди. Хўш, у юксак ишончни қай даражада оқлади? Халқ, она юрт розими ундан?

Азим Зарафшон иккига — Оқдарё ва Қорадарёга ажралган ерден машҳур Миёнкол ороли бошланади. У ана шу маскандаги Пўлатдархон аталмиш қишлокда туғилди. Болалик йиллари тирикчилик ташвишида ўтди. Илк бўса, илк фарзанд севинчининг гувоҳи ҳам шу қишлоқ. Йигит заминни ардоқлаб кам бўлмади. Эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонди. Қанчалик азиз, қадрли унга бу ерлар!

Боши ёстиққа тегибдики, она қишлоғи кўз олдидан нари кетмайди. Қалби Пўлатдархоннинг сўлим табиати, бепоён пахтазору боғ-роғлари, дилкаш кишилари сари талпинади. Кўнгил сўраб келган деҳқонларни кўрганида болалардай севиниб, ўзини енгил ҳис қилади. Чунки улар ўзлари билан бирга қадрдон далалар нафасини олиб келишади-да.

... Ун саккиз ёшларда эди чамаси, умри чоракорликда кечган, касал букиб қўйган отаси оламдан ўтди. Муштипар она не-не машаққатлар билан уларни вояга етказди. Кенжа ўғил — Рофежон меҳнатсевар, уддабурро чиқди. Ун бешга тўлган йили табелчи бўлиб ишлай бошлади. Кўп ўтмай қишлоқ Советига котиб қилиб олишди.

Улуғ Ватан уруши бошланганида у Минск шаҳрида йигитлик бурчини ўтаётган эди. Биринчилар қатори жангга кирди. Мураккаб операцияларда иштирок этиб, мардлик, қаҳрамонлик кўрсатди. 1943 йили Шимолий Донецк дарёсини кечиб ўтаётиб, оғир яраланди. Даволаниб, яна жангга кирди. Беомон олишувларда кўрсатган жасурлиги учун Қизил Юлдуз ордени, қатор медаллар билан тақдирланди. Рофе Ҳамроев 1944 йил бошида қишлоғига қайтди. Пўлатдархонликлар, қаҳрамонни шоду ҳуррамлик билан қарши олдилар. Собиқ жангчи ўша кунни эсдан чиқара олмади. У одамлар орасидан онасини излар, меҳрибонини тезроқ кўриш учун энтикиб талпинарди. Аммо онаизор фарзанди йўлига кўз тикиб, армонда оламдан кўз юмганди.

ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН КИШИЛАР

Жумлан жаҳонни қон қақшатган урушнинг қора кўланкаси бу ерларга ҳам етиб келганди. Қишлоқ кўркини йўқотган, ҳосилдорлик пасайиб кетган. Ҳали ҳам хотин-қизларга балли. Барча оғирликни елкаларига олишибди. Қўш қўшиб, трактор ҳайдашибди. Рофежон ҳам ўзини меҳнатга урди. Табелчи, бригада бошлиғи вазифаларида ишлаб фидойилик кўрсатди. Кейинчалик партком секретари, бир йил ўтгач, раис муовини вазифасига кўтарилди. 1952 йилда эса моҳир ташкилотчи, пахта илмининг устаси Р. Ҳамроев правление раислигига сайланди. Иштиёқ билан иш бошлади. Оммага суянди, шахсий намуна кўрсатди. Колхозчилар уни гоҳ отда, гоҳ велосипедда дала кезиб юрганини кўришарди.

Шароит оғир эди: ерлар: зах, мадорсиз. Ёғингарчилик нисбатан кўп бўлганлиги сабабли чигит экиш чўзилиб кетар, пахта кечки бўлиб қоларди. Натижада ҳосилнинг маълум қисми лой кечиб териб олинарди. Ёш раис дастлабки кунларданоқ муаммоларни ҳал этишга киришди. Зах сувларни қочириш учун зовурлар қаздирди. Техникага, ҳар қарич ерни эъзозлашга ўргатди одамларни. Ҳашар йўли билан хонадонлардан маҳаллий ўғит ташиб келтирилди. Алмашлаб экиш жорий этилди. Натижада биринчи йилиёқ ҳосилдорлик гектарига тўрт центнер ўсди.

* * *

— Янги раиснинг қадами чаккимас-а?

— Яхши. Ҳар ҳолда Иброҳимовнинг таълимини олган-да.

— Рофежон устозининг йўлини тутгани маъқул-у, бироқ...

Хўжаликда бундай гап-сўзлар бўлаётганлиги бежиз эмасди. Исмоил Иброҳимов правление раиси этиб сайлангач, колхозда иш жонланиб кетди. Одамларнинг қўли пул кўрди, турмуши анча яхшиланди. Фақат ўз ҳаловатини ўйлаган айрим ғаламисларгина янги раҳбарни ёқтиришмасди. Бахтга қарши бир ғавго чиқиб қолди. Уни ҳозиргача кресло можароси деб эслашади.

Областдан келган вакил кабинетдаги креслони ёқтириб қолди.

— Ўртоқ Иброҳимов, шу тахти-равонни бизга эсдаликка берсангиз, — деди дабдурустдан.

— Майли, ола қолинг, — мийиғида кулди раис.

— Шоферингизга айтинг, бизнинг кабинетга ташлаб келсин.

Барча ҳайрон: вакил келгандан бери бирон фойдаси тегмади. Нуқул маишатини, ҳузур-ҳаловатини ўйлади. Ҳозирги гапи ҳаммасидан ошиб тушди. Иброҳимовнинг росмана жаҳли чиқди.

— Табриклайман, отахон.

— Раҳмат сизга. Қани энди ҳамма ҳам эл ғамида шундай куйди-пишди бўлса.

— Дард билан астойдил курашаяпман. Енгиладиган анойи йўқ. Тез орада она қишлоқда дийдор кўришамиз.

Чол хайрлашиб чиқиб кетаркан, Рофе ака унинг орқасидан тикилиб қолди. Кайфияти кўтарилганди. Янги раисликка сайланган кездаги ўша воқеа хаёлида жонланди:

Бир куни кабинетига ана шу деҳқон кириб келди. Унинг қаршисига пешвоз чиққан раис олдида ўзини ноқулай сезиб, бир зум довдираб қолди.

— Келинг, отахон, хизмат,— деди самимий оҳангда Рофе Ҳамроев. — Қария узоқдан гап бошлаб, кейин келин тушмоқчи бўлганини айтди.

— Маъқул гап, тўйни қачон қиламиз?

— Маслаҳатга келдим-да, ўғлим. Фаолларни ҳовлига бошлаб борсангиз. Зиёфат тайёр.

Раснинг чеҳраси жиддийлашди. Фикрларини жамлаб деди:

— Гап бундай, отахон, ортиқча чиқимни қўйинг. Маҳалла оқсоқоллари билан фикрлашиб, тўй кунини белгилайверинг. Хизмат биздан.

Рофе ака чолни кузатиб, ўйга толди. «Кекса деҳқон тийинлаб пул йиғиб, орзу-ҳавас қилаяпти. Қанча сарпо-ю қандқурс олибди. Ҳали тўй бошланмасдан қўй, тана сўймоқчи. Ахир, шунча пулни қаёқдан олади? Қарз кўтаради, албатта. Эски расм-русумларга чек қўйиш керак!».

Эртасига правление аъзолари билан маслаҳатлашди. Колхозчилар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Биргалашиб тўйларни замонавий, камчиқим ўтказишга ҳаракат қилдилар. Ҳа, хўжалик раҳбар ва мутахассислари ҳамиша одамлар орасида бўлишди. Улардан маслаҳатлари, беминнат ёрдамларини аяшмади. Иш ривожга минди. Пахта ҳосилдорлиги гектарига 18 центнердан 36 центнерга етди. Экономика мустаҳкамланди. Қишлоқларнинг чиройига-чирой кўшилди. Рофе Ҳамроев ажойиб раҳбар, ташаббускор коммунист сифатида Оқдарё районидагина эмас, республикада ҳам танилган эди. Партия ва давлатимиз меҳнатларини юксак қадрлаб қўш Ленин ордени, кўплаб медаллар билан тақдирлади. У халқ депутатлари район, область Советларига депутат этиб сайланганди. Баҳри кенг, мустаҳкам имон, пок виждон эгаси Р. Ҳамроев қисқа умр кўрди. Аммо ҳаётда нурли из қолдирди. Академик Воҳид Абдуллаев видеолашмасида маросимда шундай деганди: «У ўзининг ибратли умри билан инсонийлик ва ҳалоллик, камтарлик ва принципиаллик тимсоли сифатида кишилар қалбида ўзига ҳайкал ўрнатди».

О. ЭРГАШЕВ.

Конференция делегатлари ҳақида ҳикоялар



ОРЗУ

У қишлоқда туғилиб ўсди. Болалиги пахтазору боғ-роғларда кечди. Шу боисдан қишлоққа, далаларга, она-тупроққа меҳри ўзгача. Эсини танибдики далада тер тўкади.

Меҳнат инсонни улуғлайди, деган деҳқонча ақида унинг қон-қонига сингиб кетган. Уни шунчаки меҳнаткаш, жафокаш десак озлик қилади. Камчиликларга муросасизлиги, тўғри сўзлиги, одамлар дардини тушуна олиши ёш коммунистнинг характерига хос хусусиятлардир.

Агар Марҳамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозида бўлсангиз албатта Озода Каримова бригадасига олиб боришади. Чунки бу коллектив хўжаликда энг илғорлардан саналади. Етакчининг ўзи эса ҳамиша далада, одамлар ёнида.

— Кенгликларга ўрганиб қолганман. Кўнглим доимо далаларни қўмсайди,— дейди Озодахон. — Қиш ойлари ҳам уйда ўтиролмайман. Иссиқ кийниб оламан-да, дала кезаман.

Ёш бригадир эришаётган муваффақиятлардан айниқса отаси—кекса пахтакор, миришкор деҳқон Умарали ака хурсанд.

— Қизимнинг шундай катта анжуманга делегат этиб сайланганидан бошим осмонга етди, — деди у. — Бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ўйлайманки, қизим Москвадан қайтгач бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилади.

— Албатта-да, —дейди Озода. — Бирдан бир орзуим: коммунистлар билдирган юксак ишончни оқлаш. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси йилида 78 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан оқ олтин етиштириш.

Орзуинг қанот боғласин, Озода!

А. ТЕМИРОВ.

СУРАТДА: Озода Каримова отаси Умарали ака билан.

Р. АШУРОВ фотоси. (ЎзТАГ).

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

БОГОТОЛ (Красноярск ўлкаси). Янги синаш станцияси ремонтдан сўнг электровоз моторлари иш пухталигини икки баравар оширади. Уни Красноярск темир йўли маҳаллий локомотив депосининг конструкторлари яратдилар. Мамлакатимиз саноати бундай машина-ускуналарни ҳанузгача тайёрлаб чиқармаётганлигидан улар шу иш билан шуғулланишга мажбур бўлдилар. Ишланма шу қадар яхши чиқдики, қўшни магистраллар локомотив деполарининг коллективлари ҳам унинг чизмаларини сўрашмоқда.

САРАНСК. Мордвада катта «Светотехника» бирлашмаси чет эллик харидорлар билан мустақил коммерция битимлари тузиш ҳуқуқини олди. Корхонада ташқи савдо фирмаси очилди. Фирма нур манбалари ва махсус ускуналарни экспорт қилиш, шунингдек поток линиялар ва технологияларни ҳарид этишга дастлабки шартнома тузди.

ТАЛАС. Қирғизистон пойафзал бирлашмаси Талас филиалининг кўпгина ишчилари ўз уйларида «йўлланма олганлигингиз учун имзо чекинг» деган сўзларни эшитдилар. Мактаб каникули бошланиши билан корхона хотин-қизлар кенгашининг аъзолари боласи бўлган ҳамма онталарга боришиб пионер лагерларининг йўлланмаларини ота-оналарига топширдилар. Касаба союз комитети ва маъмурият билан биргалашиб филиал ходимлари отпускаси графиги ёзда ота-оналар дам олиш уйлари ва санаторийларга бориб кела оладиган қилиб тузилди. Бу ерда хоҳловчиларнинг ҳаммасини ўзларига қулай вақтда саёҳат йўлланмалари билан таъминлаш имконияти ҳам излаб топилди.

(ТАСС).

ИШГА ТУРЛИЧА МУНОСАБАТ

Вобкент районидаги Охунбобоев номли колхоз далаларида ғўзага сув қўйила бошланди. Бегона ўтлардан бутунлай тозаланган эгатларга сув таралмоқда. Бу ерда яганалаш ва ўтоқ қилиш ўзвақтида бажарилди.

Колхозда онлавий звенолар ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқда. Пудрат коллективлари ишни пухта ташкил этиб, дала шийпонларида маиший турмушни йўлга қўйдилар.

Ленин номли қўшни колхоз далаларида эса манзара бутунлай бошқача. 818 гектар ернинг 380 гектари ўт босиб кетган, деярли 200 гектар ерда яганалаш тугалланмаган.

М. Обидов бригадаси бунга яққол мисол бўла олади. Бу ерда далаларни бегона ўтлардан тозалашга эндигина киришилди, бегона ўтлар эса деярли одам бўйи ўсган. Р. Эргашев, М. Саломов, Ш. Юсупов бошлиқ бригадаларда ҳам манзара ана шундай.

Ғўзани ўтдан тозалашга шошилмаслик сабабларини тушуниб олиш қийин эмас— одамларда манфаатдорлик йўқ. Колхозда пудратчи звенолар ва бригадалар жуда кам тузилди. Охунбобоев номли колхозда эса пудратчи звенолар сони 400 дан ошиб кетди.

«Пахтакор», «Партия XXVII съезди» колхозларида ҳам пудратга эътибор берилмади. Илғор иш методига бундай муносабат натижалари кўзга ташланиб турибди: ғўза секин ривожланмоқда, далалар бегона ўтлардан тозаланмаган, яганалаш ҳамон давом этмоқда. Экинни суғоришга ҳам шошилишмаяпти.

(ЎзТАГ).

Агросаноат: қайта қуриш чорраҳаларида

ТАЗЙИҚ ТЎХТАМАЯПТИ

Пахта йиғим-терими бошланишига ҳали тўрт ойча вақт бўлса ҳам, Хўжаобод районидаги «Россия» колхозининг банкдаги счетига дастлабки фойда — юз минг сўмдан кўпроқ пул келиб тушди. Унинг кўп қисми пиллачиликдан олинган бўлса, деярли тўртдан бир қисмини коллектив... ўз ташаббуси учун олди.

Колхозчилар йил бошида асосий экинларни экишга қадар шу ерларнинг ўзида эртаги карам экишга қарор қилдилар. Эҳтиёткорлар ҳам топилди. «Асосий экин экиладиган вақтгача карам етилмаса нима қиламиз? — деб чўчитишди улар, — чигит экиш учун етилмаган карамни ҳайдаб юборамизми? Унда нима соламиз? Зарар билан ташвишдан бошқа нарса ололмаймиз». Айтиш керакки, бундай ҳавотирланиш учун асос йўқ эмас. Бу ерларда илгари карам етиштирилмаган, қандай бўларкин? Шундай мулоҳаҳалар билан фақат 4 гектар ерга карам экилди. Энди эса кўпроқ экишмаганига афсусланишаяпти. Ҳар гектар ер 6 минг сўм фойда келтирди.

— Мустақиллик—мустақил кишилар учун яхши, — колхоз правлениесининг раиси Н. Абдуллаев мийиғида кулиб қўяди. — Лоқайд одам эса ҳеч қачон чинакам хўжайин бўлолмайди. Очиғини айтганда, узоқ вақт давомида бизни болалар боғчаларидаги кичкинтойларни етаклаганидек қўлимиздан ушлаб етаклаб юришди. «Ташаббус кўрсатсанг, жазосини тортасан» деган гап ҳам бекорга пайдо бўлмаган.

Икки йилдан сал олдинроқ Н. Абдуллаев колхозга келганида хўжалик бутунлай хонавайрон бўлаёзган эди. Колхоз счетида қарздан бошқа нарса йўқ. Хўжалик колхозчилардан 420 минг сўм, қурувчилардан 300 минг сўм, давлатдан эса илгари қўшиб ёзилган пахта учун яна сал кам уч юз минг сўм қарздор эди.

У атрофга қараб одамларнинг турмуш ва меҳнат шароитларига назар солиб ёқасини ушлаб қолди: «Қўқон хони даврида ҳам бундай яшашмаган одамлар! Деярли бутун уй-жой фонди гувалак уйлардан иборат, на ичитилади на бошқа қулайликлари бор. Боғчалар, мактаблар ҳам етишмайди. Клуб йўқ. Фельдшерлик-акушерлик пункти зўразўраки мослаштирилган бинода жойлашган.

— Мен Африкада, Мозамбикда бир неча йил ишлаб қайтганман. Ўш ерда худди шундай шароитни кўрган эдим. Лекин у ердаги шароит тушунарли: мамлакат мустамлакачилик зулмидан эндигина ҳалос бўлган.

Ёлғиз бир ўзи бу аҳволни бартараф этаолмаслиги турган гап. Колхозни қолоқликдан қандай қилиб олиб чиқишни, одамлар учун қандай қилиб муносиб шарт-шароит яратишни олдин правлениеда ва бригадаларда, сўнгра умумий йиғилишларда биргаликда ўйлаб бош қотиришди. Ахир хўжаликда қариялар ва болалар билан биргаликда 14 минг киши яшайди. Уларни таъминлаш учун пул керак. Пахтачиликдан олинаётган даромадлар эса деярли ҳаммаси бошқа тармоқлар, айниқса чорвачилик келтираётган зарарни қоплашга сарфланмоқда. Масалан, 1986 йилда пахта 600 минг сўм соф фойда келтирди, ферма эса бу фойданинг ярмини «ютиб» юборди.

Сут олишни кўпайтириш учун ем-хашак зарур. Ем-хашак эса йўқ, чунки даромад келтирадиган бирдан-бир экин деб ҳамма майдонларга чигит экилган. Боши берк кўчанинг ўзи! Шунга қарамай, ана шу боши берк кўчадан чиқишга ҳаракат қилишди. Бу ишда партия XXVII съездидан кейин қишлоқ хўжалигига қарор топган янги вазият ёрдам берди. Яъни бошқаришнинг буйруқбозлик — маъмуриятчилик методларидан воз кечиш, деҳқонларнинг тўла мустақиллиги, ташаббускорлиги ва иш билармонлиги ёрдам берди.

1986 йилдан бошлаб алмашлаб экиш қатъият билан жорий қилинабошлади, Оралиқ экинлар экилди. Бунинг устига ем-хашак етиштирувчи бригадаларнинг ҳаммаси оила ва коллектив пудратига ўтказилди. Пировард натижага қараб ҳақ тўлаш эса колхозчиларнинг шахсий манфаатдорлигини дарҳол «ишга» солди. «Картошка етиштириш бунга яхши мисол бўлаолади. Ўтган йили райондаги ҳамма хўжаликларда картошка етиштириш зарар келтирди, «Россия» колхозида эса бу иш билан пудратчи звено шуғулланди ва уч минг сўм фойда келтирди.

Ем-хашак етиштиришда ҳам аҳвол шундай бўлди. Ўтган йилиёқ шу қадар кўп ем-хашак тайёрландики, жамоат подаси ем-хашак билан таъминланиб-гина қолмай, анчагина қисми шахсий молларини боқиш учун колхозчиларга ва қўшни хўжаликка — Киров номли агросаноат комбинатига сотилди.

Ем-хашак мўллиги яхши натижа берди. Колхозда ҳар бош сигирдан кунига соғиб олинадиган сут икки килограмм кўпайди. Чорвачилик келтирадиган зарар уч баравар камайди. Бу йил эса ферма рентабелли бўлади ва оз бўлса ҳам (ҳаммаси бўлиб 50 минг сўм) ҳар ҳолда фойда беради. Правлениенинг ҳисобкитобларига қараганда, пахтачиликдан олинадиган даромад ҳам кўпайиши керак.

— Буйруқбозлик усуллари бизга панд бермаса (бу усул кўринишлари ҳамон давом этмоқда) пахтачилик даромади ортади, — дейди раис. Мана ўша кўринишлардан бири. Бизнинг колхозимиз —уруғчилик хўжалиги. Район агросаноат бирлашмаси эса мунтазам равишда пахтани машинада териб олишни планлаштирмоқда.

Хўжалик бу йилдан бошлаб истиқболли «Қирғиз-3» навини кўпайтириш билан шуғулланмоқда. Бунинг устига пахтага ажратилган 1300 гектар ернинг деярли ярмида суперэлита ва элита уруғ етиштирилади. Агросаноат ходимлари эса ана шу пайкалларга машина олиб киришни таклиф қилишмоқда. Машина олиб кириш мумкин, фақат биринчи ва иккинчи теримдан кейин. Колхоз ҳосилни машинада йиғиштириб олса бўлади.

Юзаки қараганда, бу фикр тўғрига ўхшайди. Лекин келинг пухтароқ ўйлаб кўрайлик. Колхознинг асосий маҳсулоти — уруғлик чигит. Бинобарин, уруғлик чигитни етиштиришни планлаштириш керак. Саноат учун етказиб бериладиган пахта эса асосий маҳсулотга қўшимчадир. Бундай пахтани қанча топшириш-ни правлениенинг ўзи ҳал қилаверсин. Бунинг устига йиғим-терим тактикасини белгилаш, яъни пахтани қўлда ёки машиналар билан териб олишни режалаштириш правлениенинг иши. Шунга қарамай, район агросаноат бирлашмаси юқоридан тазйиқ таъсирида колхоз учун қайси ишни қандай бажаришни планлаштирмоқда. Ҳолбуки, бундай практика аллақачон қораланган.

Қоралашга-ку қораланди. Аммо ҳозир ҳам хўжаликлар учун 19 та кўрсаткич планлаштириб берилмоқда. Умуман колхоз далаларида ва фермаларида нималарни етиштириш юқоридан планлаштирилмоқда. Бунинг устига фақат «учмаяч» қилиб эмас, балки ошириб бажариш планлаштирилмоқда. Масалан, етиштирилган донннинг 60 процентини топшириш юзасидан наряд берилган, колхоз сигирлари ва паррандалари учун қолган 40 проценти етар эмиш. Колхоз аралаш озуқани уч баравар қимматга сотиб олишга мажбур бўлади.

Бу йил 92 тонна мева етиштириш планлаштирилди. Умуминиттифоқ фондига эса 91 тонна мева етказиб бериш тўғрисида шартнома тузишга мажбур қилишди. Узум етиштириш хусусида ҳам худди шундай. Шундан кейин район агросаноат бирлашмаси ва район партия комитетида ҳам Хўжаобод бозори ҳувуллаб қолганидан ажабланишаяпти. «Ахир биз планда белгиланган маҳсулотнинг 30 процентини ва планга қўшимча етиштирилган маҳсулотнинг ҳаммасини бозорда сотишга рухсат этганмиз-ку» дейишаяпти улар. Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси «супуриб-сидириб» олиниб, Умуминиттифоқ фондига топширилаётган бўлса қандай мева ҳақида гап бўлиши мумкин?

Ёки РАПОдаги саҳоват пешаларнинг хўжалик молиявий аҳволи ҳақидаги «ғамхўрлиги»-ни кўрсатувчи бир мисол. Ипак қурти боқиш учун тут кўчатларини ўтказиш, пайкал четларидаги тут дарахтлари барги мўл бўлиши учун уларни парвариш қилиш зарурлиги ҳаммага тушунарли. Лекин бунинг учун пул сарфланади. Колхозда ана шундай харажатлар учун пулни аямасликка қарор қилишди. Бироқ РАПО бунга рухсат бермаяпти: пахта таннархи қимматлашиб кетар эмиш. Тўғри, пахта таннархи ортади, лекин унинг ўрнини пиллачиликдан олинадиган фойда ортиғи билан қоплайди. Район агросаноат бирлашмаси эса ишлаб чиқариш молия планини тасдиқлаш ноғида бу харажатларни ўчириб ташламоқда.

Умуман, хўжаликка тазйиқ ўтказиш давом этаяпти. Демократия ва хўжалик ҳисобини жорий этиш даврида бунга ажабланмай бўлмайди.

Ю. БОНДАРЕНКО,
Андижон области.

Чорвачиликни интенсив ривожлантиришда сермеҳнат юмушларни механизациялаш муҳим роль ўйнайди. Бунга амал қилган Пешку районидаги Куйбишев номли колхознинг сутчилик фермаси ходимлари йил сайин яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу ерда 775 та қорамол бор, унинг 263 таси соғин сигирлардир. Колхозда онлавий пудрат изчил жорий этилаяпти. Пировард натижани кўзлаб меҳнат қилаётган чорвадорлар сут чашмасини тобора тоширяяптилар. Норбой Пўлатов бошлиқ онлавий звено аъзолари алоҳида ғайрат кўрсатмоқдалар. Бу коллектив қарамоғидаги ҳар говмушдан 3.100 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиш мажбуриятини зиммасига олган.

СУРАТДА: пудратчи чорвадорлар Ўғилой, Бахтиёр ва Саврия Пўлатовлар онласи.

Х. ҚУРБОНОВ фотоси.

Диққат: муаммо

ОХУРГА ТУШГАНИ ҲИСОБ

Фермалар маҳсулдорлигини оширишни мустаҳкам озуқа базасисиз тасаввур қилиш қийин. Айни пайтда ем-хашакнинг ва чорвачилик маҳсулотларининг таннархини арзонлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш, энг аввало, озуқани, даромад ва харажат қилишни тўғри ҳисоблаш, далаларда етиштирилган ем-хашакни ўз вақтида ҳамда сифатли ўриб-йиғиб олиш, уларни узоқ ва сифатли асрашни таъминлаш билан боғлиқ.

Озуқа вазнини ўлчаш пайтида унинг намлик даражасини қатъий ҳисобга олиш муҳим. Негаки, ҳар бир босқичда намлик миқдори ўзгариб туради. Яъни, бу кўрсаткич ем-хашак тайёрлашнинг бошланғич, оралиқ ва якунловчи даврларида бир-биридан фарқ қилади.

Одатда ем-хашак тайёрловчи бригадаларда кўп йиллик ва бир йиллик озуқабоп экинлар ўстирилиб, жамғариш пайтида улардаги табиий намлик миқдори қандай бўлса, шундайлигича ўриб-йиғиб олинади-ю ўша заҳоти тарозидан ўтказилиб, сенаж, силос бостириш иншоотларига жойланади, беда уни тайёрлаш ёки ғарамлаш учун чорвачилик фермаларига топширилади. Шу тахлитда озуқа даладан ўриб-йиғиб олинган пайтдаги табиий намлиги оғирлигида **хўжаликка кирим қилинади.** Бунга молларга кўк ҳолда едирилган емиш кирмайди, албатта.

Баъзан кўк озуқадан сенаж, силос бостиришда уни ҳандақларга жойлаш, пешмапеш зичлаб босиб тўлдириш, устини ёпиш каби юмушлар пайсалга солинган ҳоллар учраб туради. Ўтган фурсат ичида ҳаво ҳарорати, шамол эсиб туриши, намнинг ҳандақ деворларига сингиши ва бошқа омиллар таъсирида кўкпоянинг ўриб-йиғиб олинган пайтдаги намлиги ҳамда оғирлик миқдори анча-мунча камаяди. Беда ва бошқа ҳашаклар амалда ўриб-йиғилиши биланоқ ғарамланмайди, балки маълум даражада сўлгитилади ёки қуритилади.

Энди қуйидаги ҳолатларга эътибор беринг. Янги ўрилганда тарозида ўлчанган озуқанинг хўжаликка кирим қилингандаги, яъни даромадга олингандаги оғирлиги кейинчалик поянинг сўлиши ёки қуритилиши туфайли бирмунча озаяди. Ваҳоланки, район ахборот-ҳисоблаш марказига, юқори идораларга ўша дастлабки оғирлик ифодаланган маълумотлар берилади. Бу рақамлар, четдан қараганда, ем-хашак тайёрлаш планининг бажарилишига ижобий таъсир қилгандек туюлади-ю лекин охир-оқибатда сўлигани ёки қуригани учун озуқанинг ҳақиқий оғирлиги озаяди. Молларга дастлабки ўлчовдаги озуқа эмас, кейингиси едирилади. Олинажак маҳсулот ҳам шунга яраша бўлади. Бутун республика миқёсида сўлиш ва қуриш оқибатида озайган миқдорни, яъни чорва моллари аслида емаган, гўё «молларга едирилди» деб ёзиб келинган миқдор ҳисоблаб чиқилса, бу соҳада кўзга кўринмас қўшиб ёзиш ойдинлашади. Шунинг учун озуқа миқдорини ҳисоблашда уларнинг намлилик даражаси кўрсаткичлари асос қилиб олинса ва шунга кўра кирим-чиқим йўлга қўйилса, деган таклиф киритамиз. Бунинг учун фермаларга келтирилган озуқанинг оғирлигини тарозида ўлчаш билан бирга уларнинг намлик процентини ҳам аниқлаб бориш зарур.

Биз назарда тутган фарқнинг мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш учун Хатирчи районининг бир қатор хўжаликларида сенаж ва силос бостириш кезлари — 1987 йилнинг июнь ойларида ва озуқадан фойдаланила бошланган пайт — октябрь, ноябрь ойларида район агрохимия лабораторияси қатор анализлар қилиб кўрди. Шу нарса маълум бўлдики, сенаж ва силосни бостира бошлащдан уларни молларга едира бошлашгача бўлган даврда камайиш 10—20 процентни ташкил этди.

Бундай чалкашликларга барҳам бериш учун агрохимия лабораторияси хизматидан тўласинча фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Улар ўтказган таҳлил натижалари, яъни намлик процентлари солиштирилади. Шу йўл билан озуқани сўлитиш ва шамоллатиб қуритиш туфайли оғирлик миқдори қанча камайганлигини билиб олиш мумкин.

Ҳа, бу борада ҳисоб-китоб қанча пухта бўлса, пировард натижага шунча барака киради. Бинобарин, ўрилгани эмас, охурга тушгани ҳисоб.

Т. МАМАНИЕЗОВ,
журналист.

АСКнинг иқтисодий-социологик лабораторияси

БОШҚАРИШ ФАНИ

Изланиш йўлидан

СССР илмий-иқтисодий жамияти марказий правлениесининг бошқариш секцияси, М. В. Ломоносов номли Москва давлат университети ҳамда СССР Агросаноат давлат комитети қайта ишлаш тармоқлари ва савдо раҳбар кадрлари ҳамда мутахассисларининг малакасини ошириш Бутуниттифоқ институти мавжуд муаммоларни кўриб чиқиш, ишлар аҳволига холис баҳо бериш мақсадида пахтачилик регионн агросаноат комплекси ривожини ўрганиш юзасидан иқтисодий-социологик тадқиқотлар ўтказмоқдалар.

Жамиятимиз ҳаётининг ҳамма томонларини демократиялаш, ошкоралиқни кенгайтириш, партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь ва июнь пленумлари кўрсатмаларига мувофиқ бошқарувни тубдан қайта қуриш шароитида меҳнаткашлар коллективлари, кенг жамоатчилик, қўйи бўғин мутахассислари ва раҳбарларининг йирик халқ хўжалик муаммоларини ҳал этишдаги фаол иштироки, улар тажрибаси ва ижодий потенциалидан самарали фойдаланишнинг реал имкониятлари таъминланяпти.

Тадқиқотлар олиб боришдан мақсад мамлакат, шунингдек иттифоқдош республикалар агросаноат комплекслари системасида регионал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда маҳсулдор кичик комплексларни шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан таклифлар ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш, пахта кичик комплекси ва у билан боғлиқ бошқа кичик комплекслар (сут-гўшт, мева ва сабзавот, дончилик, пилла етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда бошқалар)ни бошқариш моделларини асослашдан иборат.

Тадқиқотлар шунингдек пахтачиликдаги монокультурани бартараф этиш, уни нотўғри ихтисослаштиришга барҳам бериш йўлларини аниқлашга қаратилгандир. Пахтачиликни агросаноат комплексининг бошқа барча тармоқларига тўққизлик қилувчи омилдан тараққиёт омилига, республикаларнинг барқарор ўсиб бориши ва комплекс ривожланишини таъминлайдиган омилга айлантириш йўллари таклиф этилади.

Тарқатилган махсус анкеталар ёрдамида кенг жамоатчилик ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари жамланади, пахтачиликни аҳолининг оғир қисматидан бутун мамлакат халқларининг фаровонлиги ва бахт-саодатига айлантириш, кўпчилик пахтакор колхоз ва совхозларни хароблик ҳолатидан ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган, ўз ҳаражатларини ўзи қоплайдиган ҳамда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт-сут, мева ва сабзавот ҳамда бошқалар) сероб бўлган юқори рентабелли хўжаликларга айлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади.

Пахтакор республикалар агросаноат комплексини бошқариш системаси моделида шунингдек бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган, аммо ана шу республикаларнинг иқтисодий ривожланишига муайян таъсир кўрсатадиган муаммоларни маълум даражада ҳал этиш ҳам ўз ифодасини топади:

— аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг маданий турмуш даражасини, барча босқич ва бўғинлардаги раҳбарлар, олий ва ўрта маълумотли ҳамма мутахассислар маданиятини, маълумотлилиги ва саводхонлиги даражасини ошириш;

— раҳбарларнинг ўз қўл остидаги кишиларга, эркакларнинг аёлларга нисбатан феодал-бойларча муносабатини, раҳбарлик лавозимлари ва мансабдор шахсларни улуғлаш, улар олдида таъзим қилиш, иззат-ҳурматини ўрнига қўйиш ва кўкларга кўтаришни, қаралаш ишонтириш усулларни ва ҳужумкор революцион атеизмдан моҳирлик билан фойдаланиш йўли билан диндорликни тугатиш:

— амалпарастлик, лаганбардорлик, бюрократизм, ўрта ҳамда олий бўғин раҳбарларининг, бошқарув аппаратининг ишдан бехабарлигига барҳам бериш;

— санитария маданиятини ошириш ҳамда онланинг аҳлоқий-психологик иқлимига фирибгарлар, муллалар ҳамда бошқа диндор «мураббийлар»нинг таъсирини тугатиш;

— барча бўғин ва босқичлардаги раҳбарлар ҳамда мутахассисларнинг экономикани бошқариш назарияси бўйича малакасини ошириш, уларни бошқарув жараёнини амалий жиҳатдан таъминлаш оддий илмини ўргатиш.

Ҳозирча АСКни таҳлил этишнинг илмий методикаси ва бошқариш системаси тўлиқ ишлаб чиқилганича йўқ. Шунинг учун программа —иқтисодий-социологик тадқиқотлар анкетаси —ва унда ўз ифодасини топган таҳлилий жадваллар агросаноатнинг ривожланишини, ишлаб чиқариш ва социал турмуш инфраструктурасини комплекс иқтисодий ўрганиб чиқиш, шунингдек АСКни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини мунтазам ўрганиб бориш учун методик материал сифатида қўлланма бўлиши мумкин. Мазкур программа ва методика бўйича таҳлил қилиб чиқиш маълум даражада агросаноат комплексини ҳамда уни бошқариш системасини қайта қуришга, резерварларни аниқлашга ёрдам беради.

Масалан, ишлаб чиқариш самарадорлигининг кўрсаткичи тайёрланган маҳсулот таннархидир, ҳни пасайтириш рентабелликнинг ўсишини таъминлашга имкон беради. Шунинг учун ҳам анкетада **«Утган йиллардаги хўжалик фаолиятидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва рентабелликнинг ўсишига таъсир кўрсатган асосий омилларни тилга олинг»** деган савол қўйилган.

Иқтисодий-социологик тадқиқот юқори рентабелли колхоз ва совхозларни, уларда эса катта фойда келтирадиган маҳсулот турларини аниқлаш вазифасини ўз олдига қўйган. Бу эса юқори рентабелли ишлашга нималар ҳисобига, қайси йўллар, усуллар ва методлар билан эришилаётганини таҳлил этишга имкон беради.

Асосий бойлигимиз

Анкета ерлардан фойдаланишни таҳлил этишдан бошланади. КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё регионн бўйича қабул қилган қарорида агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан, энг аввало ердан қониқарсиз фойдаланилаётгани алоҳида таъкидланган. Шунинг учун анкетада ердан самаралироқ фойдаланишга доир масалалар ҳам ўрин олган. Булар йил мобайнида 2—3 марта ҳосил кўтариш, экин майдонларининг структурасини такомиллаштириш, ёппасига бригада алмашлаб экишни, такрорий ва оралиқ экинларни тўлиқ жорий этиш, томорқа участкалари, ёрдамчи хўжаликлар ва ҳоказоларни ривожлантиришдан иборатир. Масалан, колхоз ва совхозларга, агросаноат комплексининг бошқа корхоналарига берилган мустақиллик ҳисобга олинган ҳолда анкетага қуйидаги саволлар киритилган: **«Сиз катта даромад олиш, колхозчилар, совхоз ишчилари ҳамда агросаноат комплекси бошқа ходимларининг манфаатдорлигини ошириш учун хўжаликларда келажакда қандай янги экинлар парвариш қилишни истар эдингиз!»**, **«Ўз регионингиздаги агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан самаралироқ фойдаланиш мақсадида хўжаликлар ва райондаги экин майдонлари структурасининг ўзгартирилишини хоҳлармидингиз!»**, **«Сизнинг хўжалигингиз экин майдонлари структурасини мустақил равишда ўзгартира оладими!»** ва бошқалар.

Иқтисодий-социологик тадқиқотлар ишлаб чиқариш бригадаларини бошқариш системасини ўрганишга, бу соҳадаги муаммоларни аниқлашга қаратилган. Пахтачилик хўжаликларидаги ишлаб чиқариш бригадалари фаолияти билан дастлабки танишув шуни кўрсатдики, улардаги ер миқдори ва ходимлар сони ўртасида катта фарқ бор: йирик хўжаликларда катта бригадалар 150—160 гектар, унча катта бўлмаган хўжаликларда эса 50—60 гектар майдонга эга. Унисида ҳам, бунисида ҳам коллективни битта бригадир бошқаради. Шу қабабли анкетада қуйидаги савол бор: **«Сиз бригада ичида алмашлаб экишни тўла жорий этиш йўли билан ишлаб чиқариш бригадаларини йириклаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсизми!»**.

Пахтачиликда ҳозирча тўлиқ бригада хўжалик ҳисоби ва коллектив пудрат йўқ. Сабаб? Нега деганда бугунга қадар ҳар бир туркум пахтани толасининг сифати аниқланиб қабул қилиш йўлга қўйилмаган. Бу соҳада бошқарувнинг маъмурий усулларига ҳамда коллектив пудратни расмиятчилик учун «жорий этиш»га уриниб келинаяпти. Бошқача айтганда қўшиб ёзишлар, рапортбозлик, ўзибўларчилик давом этмоқда. Шу сабабли анкетада тегишли савол қўйилган.

Иқтисодий усулларга

Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь пленуми илгари сурган экономикани бошқаришни ислоҳ қилишдан иборат асосий вазифа маъмурий-бюрократик, буйруқбозлик системасидан иқтисодий усулларга ўтишни, одамларнинг пировард натижаларидан манфаатдорлигини ҳисобга олиб, бошқарув структураси ва уни ташкил этишни қарор топтиришни ўз ичига олади. Бу жуда мураккаб муаммодир. Аллақачонлар пишиб етилган, аммо бошқарув амалиётида ҳанузга қадар ўз ифодасини топмаган масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Колхоз ва совхозлардан тортиб то республика бўғинигача кўпчилик раҳбарларимиз, мутахассисларимиз экономикани бошқариш илмини, айниқса АСКда бошқарувни пухта эгалламаганлар. Район, область ва республика бўғини бошқарув аппарати ходимларининг иқтисодий жавобгарлиги муаммоси ҳал этилмаган.

Иқтисодий-социологик анкета АСК бошқарув механизми омилларини таҳлил этишни кўзда тутади, чунки бундай омиллар илғор хўжаликлар, бригадалар, звенолар, ойлалар ва алоҳида шахслар фаолияти натижаларига ўз таъсирини кўрсатади. Омиллар сони ўттизга яқин бўлиб, улар тадқиқот қатнашчилари диққат-эътиборини бошқарувни уюштиришга комплекс ёндашишга қаратади.

Бошқариш механизми омилларини таҳлил этиш учун баҳолашнинг икки системаси жорий қилинган. Биринчи система бўйича таъсир кўрсатиш омиллари даражаси қуйидаги тарзда баҳоланади: омил роль ўйнамаган бўлса — 0; камроқ роль ўйнаган бўлса — +; жиддий таъсир кўрсатган бўлса — ++; ҳал қилувчи таъсир этган бўлса — +++.

Иккинчи система бўйича мутахассислар хоҳишига қараб ҳар бир омилга унинг кўрсатган таъсири даражасига мувофиқ тарзда тегишли балл қўйилади, бунда барча омилларни баҳолашнинг юз балли системасидан келиб чиқилади.

АСКнинг бошқариш механизмида ходимлар фаоллигини таъминловчи ҳамда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш имконини берувчи асосий омиллар қуйидагилардир:

Бошқарувнинг асосий иқтисодий усули сифатида ишлаб чиқаришни илмий планлаштириш;

Коллектив (бригада, звено, ойла) ҳамда шахсий, ижара пудратини жорий этиш;

Хўжалик юритишнинг иқтисодий усули сифатида тўла хўжалик ҳисоби ва ҳаражатларни пировард натижаларга қараб ҳисоблаб боришни жорий этиш;

Кадрларни ишчанлик, сиёсий фазилатларига кўра танлаш ва жой-жойига қўйиш;

Кадрлар малакасини ошириш;

Фан ва техника ютуқларини жорий этиш;

Илғор тажрибадан фойдаланиш;

Социалистик мусобақани яхшилаш;

Интенсив технология ва бошқаларни жорий этиш.

Ҳолва деган билан...

Шу йил март ойида Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети қуйидагича хабар тарқатди: 1988 йилнинг икки ойида 3.026 бош қорамол, 8.032 чўчқа, 16.632 қўй ва эчки нобуд бўлди. Республика агросаноат комплекси ходимларининг 14 март куни бўлиб ўтган қурултойида ушбу фактлар келтирилди: колхоз ва совхозларимизнинг фақат олти процентигина сигирлардан ўртача 3 минг килограммдан ошириб сут соғиб олмоқда. Қорақалпоғистон АССР бизни ниҳоятда орқага тортмоқда, бу ерда ҳар сигирдан соғиб олинаётган сут бор-йўғи 1.670 килограммни ташкил этади, Қашқадарё областида 1.917 килограмм, Хоразм областида эса 2.058 килограммга тўғри келади. Ўтган йили 632 колхоз ва совхоз ёки жами хўжаликларнинг 35 процента гўшт тайёрлаш планини бажармади, 38 минг тоннадан зиёдроқ маҳсулот етказиб берилмай қолди. 352 хўжалик ёки жами колхоз ва совхозларнинг 21 процента сут тайёрлаш планини уддаламади, давлатдан 26 минг тонна маҳсулот қарз бўлиб қолди. 379 колхоз ва совхоз эса планга нисбатан 39 миллион дона тухумни кам етказиб берди... Бизда аҳоли жон бошига истеъмол қилинаётган гўшт 30, сут эса 180 килограммни ташкил этадики, бу нормадагига қараганда икки баравар кам.

Ҳолва деган билан оғиз чучимас. Чорвачиликдаги гап-сўзлардан амалий ишга ўтадиган пайт келди.

Шунинг учун ҳам иқтисодий-социологик тадқиқотларда чорвачилик муаммоларига, аҳолини ана шу тармоқ маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш ҳамда чорвадорлар, қайта ишловчилар меҳнатига баҳо беришни яхшилашга кўпроқ эътиборни жамлаш кўзда тутилган. Чорвачилик ишлаб чиқариши ва уни бошқариш системасини ўрганиш учун қуйидаги саволлар ажратилган:

Энг яхши хўжаликлар, чорвачилик комплексларн, фермалар, пешқадам чорвадорларни тилга олинг.

Ана шундай хўжаликлар, фермалар, комплекслар коллективларн ва пешқадам чорвадорлар тажрибаларн умумлаштирилганм, матбуотда эълон қилинган ва оммалаштирилганмн!

Бундай коллективлар ёки алоҳида ходимларнинг тажрибалари чуқур ўрганишга, асослашга ва кенг оммалаштиришга лойиқмн!

Чорвачиликнинг ривожи орқада қолаётганлиги сабабларини аниқлаш учун қуйидагича таҳлил кўзда тутилган:

Районингизда чорва маҳсулдорлиги пастлиги ҳамда туёқ сонининг етарли даражада ўсмаётганлигини нима билан изоҳлайсиз! (Таъсир этувчи омилларнинг тагига чизинг).

Чорвачиликни бошқариш системасида иқтисодий усулларнинг йўқлиги.

Бошқарувнинг иқтисодий усули сифатида илмий асосланган планлаштиришнинг йўқлиги:

— чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини мутаносиб ривожлантиришни планлаштириш;

— чорвачилик тармоқлари, қайта ишлаш саноати ҳамда маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш объектлари моддий-техника базасини ва ташиш воситаларини мутаносиб ривожлантиришни планлаштириш;

— озуқакорликни ривожлантириш ва маҳсулотни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш моддий-техника базасини, озуқа цехлари тармоғини кенгайтириш, уларни тегишли ускуналар, алоқа воситалари билан таъминлашни, қуёш энергияси, бошқа энергия ва иссиқлик манбаларидан фойдаланишни мутаносиб планлаштириш;

— инсон, унинг иш шароитлари ҳақида ғамхўрликни планлаштириш;

— чорва моллар наслини яхшилаш ва уни ривожлантириш учун тегишли шарт-шароит вужудга келтиришни планлаштириш;

— чорвачилик тармоқларини комплекс ривожлантириш, унинг ишлаб чиқариш ва социал-маиший инфраструктурасини планлаштириш.

Чорвачиликда бошқарувнинг иқтисодий усули сифатида пировард натижалар мўлжаллаб барча сарф-харажатларни ҳисоблаш жорий этилган ҳақиқий, тўлиқ, амал қилувчи хўжалик ҳисобининг йўқлиги.

Чорвачиликни ривожлантиришни илмий жиҳатдан таъминлашнинг йўқлиги ва олимларнинг етарли даражада ёрдам бермаётганликлари.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан, моллар бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини оширишдан чорвадор ходимлар моддий манфаатдорлигининг йўқлиги.

Фермалар, комплекслар ва чорва боқиладиган яйловлар моддий-техника базасининг ёмонлиги.

Чорвадорлар меҳнат шароитининг ёмонлиги.

Коллективда психологик вазиятнинг ёмонлиги.

Моллар наслининг ёмонлиги.

Фермалар, комплекслар ходимлари билимининг бўшлиги.

Мутахассислар малакасининг пастлиги, уларнинг ишдан бехабарлиги.

Мутахассислар ва раҳбарларнинг чорвачилик аҳволи учун моддий жавобгарлигининг йўқлиги.

Озуқанинг етишмаслиги, ем-хашак тайёрлашни ривожлантириш пухта йўлга қўйилмаганлиги.

Харид нархларининг пастлиги.

> «МАМЛАКАТДА ТУРМУШНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШ ЖАРАЁНИ КЕНГ РИВОЖЛАНИБ, ЧУҚУРЛАШИБ БОРМОКДА. ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ЯНАДА ТАШАББУСКОРЛИК БИЛАН ИШЛАЙ БОШЛАДИЛАР. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШДАГИ ДЕМОКРАТИК НЕГИЗЛАР ТОБОРА КУЧАЙМОҚДА. ОММА ЎЗ ФИКРИНИ РАВШАН ВА САЛМОҚЛИ ҚИЛИБ БИЛДИРМОҚДА».
>
> «...ВАЗИФАЛАРНИНГ ЯНГИЛИГИ, ҚУЛАМИ, ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ БОРИШИ, УНИНГ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ БУ МУРАККАБ ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁННИНГ ЗИДДИЯТЛАРИНИ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА ДОИМИЙ ЭТЪИБОР БЕРИШНИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА».
>
> (КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь пленуми материалларидан).

Ғўза монокультураси, шу сабабга кўра озуқанинг етишмаслиги, озуқакорлик ривожлантирилмаганлиги, ем-хашак етиштириш учун етарли ер ажратилмаганлиги.

Хўжасизлик, ўғирлик, камомад, қўшиб ёзиш ва бошқа салбий ҳолатлар.

Чорвачилик объектларини лойиҳалаш, қуриш етарли эмаслиги ва чўзилаётган қурилишларнинг кўплиги.

Колхозларнинг правлениеларн, совхозларнинг дирекцияларн, район, область раҳбарлари томонидан соҳага етарли эътибор берилмаётгани.

Раҳбарларнинг иш услуби ва усуллари ёмонлиги.

Чорва туёғини кўпайтиришнинг пухта ўйланган системаси йўқлиги.

Озуқа цехларининг йўқлиги ёки мавжудларининг ҳам ишламай турганлиги.

Электр энергияси билан яхши таъмин этилмаганлиги ва электрнинг тез-тез ўчириб қўйилаётганлиги.

Чорвадорлар меҳнат унумдорлигининг пастлиги.

Чиқитсиз технология жорий этилмаганлиги ва бошқа сабаблар.

Иқтисодий-социологик тадқиқотларда сут-товар фермаларини ривожлантириш, уларни ускуналар, озуқа цехлари билан қуроллантириш, сут маҳсулотларини реализация қилишни ташкил этишни такомиллаштириш муаммоларига алоҳида ўрин берилган. Шунинг учун ҳам озуқа цехлари сони, озуқани бўғлатувчи, бўтқа пиширладиган қозонлар, резервдаги электр таъминоти, озуқа тақсимлаш ва ғўнгдан тозалаш жараёни механизация воситалари, сифат бўйича лабораториялар, совитгич камералари билан жиҳозланганлигини, чорвадорларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Қабул пунктлари ва заводларнинг сут маҳсулотларини ўз транспортида марказлашган усулда ташиб олишни уюштириш зарурлигига эътибор қаратилган. Ана шу мақсадда бундай савол қўйилган: **«Энг яхши [намунали] сут-товар фермаларини, уларнинг ходимларини тилга олинг».**

Кўрибиб турибдики, илғорларга, уларнинг тажрибаларини умумлаштиришга асосий эътибор берилаяпти.

Тадқиқотларда хўжаликлар ва РАПОлар раҳбарлари қараб чиқишлари учун муаммоларни ҳал этишнинг қуйидаги йўллари таклиф қилинади:

«Ғўза монокультураси, чорвачилик, мева-сабзавот ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришдаги турғунлик ҳолатлари, аҳоли сонининг тез суръатларда ўсиши сабаблн сизнинг районингизда озиқ-овқат маҳсулотларини аҳоли жон бошига ўртача истеъмол қилиш даражаси анча орқада қолаётганлиги қузатилмоқда. Бу муаммони ҳал этиш йўллари қандай деб ўйлайсиз! Маҳаллий таъминотни яхшилаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш даражасини оширишнинг мумкин бўлган вариантлари (зарурининг тагига чизинг)»:

Ҳар бир колхоз, совхоз томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, ўз эҳтиёжларини қондирадиган ёрдамчи хўжалик барпо этиш учун 1—1,5 гектар (эҳтимол, 3—4 гектар) ер ажратиш.

Пахта далаларн, экинзорлар атрофига, ариқ, канал ва йўллар бўйига мевали дарахтлар (олма, нок, грек ёнғоғи, ўрик, шафтоли, беҳи, олча, гилос, бодом, олхўри ва бошқалар) экиш йўли билан боғлар майдонини кенгайтириш, ана шу ер участкаларини 15—20 йилга пудрат коллективларга бириктириб қўйиш, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ўзларига ҳосилни кимга тарқатиш ҳуқуқини бериб қўйиш.

Озуқа экинлари майдонини жамоат хўжалиги эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорва моллари боқиш учун кенгайтириш.

Колхозчилар, совхоз ишчиларининг томорқа участкаларн ва шахсий ёрдамчи хўжаликлари майдонларини болалар сонига қараб кенгайтириш, кўп болали оилаларга каттароқ ер майдони бериш.

Колхоз ва совхозларда ўз эҳтиёжларини таъминлаш учун қўшимча равишда пудратдаги сутовар фермаларн, паррандачилик фермаларн, бўрдоқичилик цехлари барпо этиш.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ зиёлиларига шахсий ёрдамчи хўжаликларни самаралн юритиш учун ҳар томонлама ва фаол ёрдам кўрсатиш:

— чорва моллари, жумладан, сигирлар боқиш учун етарли миқдорда озуқа ажратиш ва тўла таъминлаш;

— суғориш нормаларига мувофиқ тарзда сув билан 100 процент таъминлаш;

— ер ҳайдаш, экинзорлар ва дарахтларни парвариш қилиш;

— зарур миқдорда техника ва моддий-техника воситалари ажратиш;

— органик ўғитлар ажратиш;

— минерал ўғитлар ажратиш;

— томорқа участкаларн маҳсулотларини тайёрлаш, харид қилиш, сақлаш ва ташишда ёрдам бериш.

Колхоз ва совхозларнинг ўз маҳсулотлари, шунингдек, матлубот кооперациясидан харид қилиб олинадиган маҳсулотлар ҳисобига, колхозчилар, совхоз ишчиларн, уларнинг болаларн учун умумий овқатланишни уюштириш.

Вақтни қадрланг

Вақтни тежаш қонуни, Карл Маркс ибораси билан айтганда, социализмнинг биринчи иқтисодий қонунидир. Ҳар қандай тежамкорлик пировард натижада вақтни тежашга бориб тақалади.

Республикамизда узоқ турғунлик йилларида қарор топган ҳамда яққол шаклда намоён бўлган бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари қоғозлар оқимига: сон-саноқсиз буйруқлар, қарорлар, телеграммалар, юқоридан пастга фармойишлар ва пастдан юқорига маълумотномалар, докладлар, тушунтиришлар, илтимослар ва бюртмалар йўллаш асосига қурилган эди. Баъзн ҳолларда қуйи ва ўрта бўғин раҳбарлари, бошқарув аппарати ходимларининг 70—80 процентгача вақти турли хил зарур ва нозарур ҳужжатлар тайёрлашга, кўпдан-кўп текширишларнинг саволларига жавоб қайтаришга, кенгашлар, йиғилишлар, мажлислар ва ҳоказоларда иштирок этишларга кетарди, кўпчилик жойларда бу ҳол ҳамон давом этмоқда. Раҳбар ва бошқарув аппарати ходимлари учун ўз вазифаларини бажаришга: ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва социал-маиший инфраструктурани яхшилаш, инсон омилини кучайтиришнинг истиқболли муаммоларига эътибор беришга жуда оз вақт қолади ёки умуман қолмайди. Шу сабабли иқтисодий-социологик тадқиқотларда оператив бошқарувни йўлга қўйиш ҳамда алоқа воситалари: район ва хўжаликларнинг диспетчерлик хизматлари, телефон, радио ва ҳаво алоқаси, ЭҲМ, дисплейлар, телетайплар, телевизион тармоқлар ва алоқалар сони, улардан фойдаланиш ва ҳоказолар билан таъминланиш масалаларига алоҳида ўрин берилган. Бу ерда оператив бошқарув объектлари, система ва воситалари ажратиб кўрсатилган. РАПОлар, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг диққат-эътибори бу муаммода қуйидаги саволларга жалб этилади:

РАПОга барча юқори ташкилотлар ва муассасалардан (маҳаллий партия, совет органлари ва бошқа ташкилотлар ҳам шу ҳисобга киради) келиб тушадиган ҳужжатлр (хатлар, қарорлар, буйруқлар, телеграммалар, телефонограммалар ва бошқалар) сони;

РАПОдан колхозлар, совхозлар, бошқа корхоналарга йўлланган турли-туман ҳужжатлар қанча!

Колхоз ва совхозлар йилига ўртача турли хил юқори ташкилотлар ва муассасалардан нечта ҳужжат олишган!

Сиз оператив бошқарув ва замонавий алоқа воситаларини ялписига жорий этиш юқоридан пастга ҳамда пастдан юқорига хизмат қоғозлари оқимини камайтиришга ёрдам берадн, бошқарув вазифаларини амалга оширишни яхшилайдн ва бошқарув жараёни вақтини қисқартиради, деб ҳисоблайсизми!

Табиатга оқилона ёндашув

Регион агросаноат комплекси тадқиқотларини ўтказишда табиатни қўриқлаш муаммоси ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари алоҳида ўрин эгаллайди.

Социологик тадқиқотларнинг бу қисми шундай саволлардан бошланади:

сизнинг районингизда сув, ҳавони ифлос қилаётган ҳамда табиатга зарар етказаётган манбаларни айтиб беринг (бундай объектлар қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар тилга олинг, уларнинг зарари нимадан иборат эканлигини кўрсатинг);

ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари билан қамраб олинган ер майдони (хўжаликлар бўйича жами ер майдонига нисбатан процент ҳисобида) қанча!

ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари қайси омиллар ҳисобига етарли даражада ривожланмаяпти (зарурининг тагига чизиб қўйинг)!

— илмий таъминотнинг йўқлиги;

— моддий-техника базасининг йўқлиги;

— малакали кадрлар етишмаслиги;

— раҳбарлар ва мутахассислар билимининг камлиги;

— дала меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлиги пухта йўлга қўйилмаганлиги;

— табиатни қўриқлаш, одамлар саломатлиги учун бу усулнинг аҳамияти ва фойдасини тушуниб етмаслик;

— энтомофаглар билан таъминланмаганлиги;

— бошқа омиллар.

РАПО ва хўжаликларда табиатни қўриқлаш ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулларн бўйича бошқарув ишлари кимнинг зиммасига юкланган!

Ана шу муаммоларнинг барчаси аниқланган тақдирда регион табиатни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш имкони туғилади.

Иқтисодий-социологик тадқиқотларда шунингдек колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ зиёлиларининг томорқа участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш ҳам ўрганилади. Дастлабки ўрганиш шуни кўрсатдики, қишлоқ аҳолисининг аксарият қисми озиқ-овқат маҳсулотларига ўз талаб-эҳтиёжларини қондириш учун шаҳар ва колхоз бозорларига, шаҳар магазинларига боришмоқда. Айниқса, бу пахтачилик хўжаликлари ва районлари учун хос. Демак, томорқа участкалари фақат колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ зиёлилари, АСКни бошқаришнинг барча даража ва бўғинлари раҳбарларигина эмас, балки матлубот кооперацияси ҳам бошқарадиган объект сифатида қаралиши, шунга мўлжаллаб шакллантирилиши лозим. Шунингдек томорқа участкаларини бошқариш ҳамда уларда маҳсулотлар етиштириш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш жараёнларини бошқаришни уюштириш вазифалари ҳам белгилаб қўйилиши керак.

Регионнинг табиий-иқтисодий потенциалидан фойдаланишни ўрганишда ипакчиликни ривожлантиришга, АСК системасида пилла етиштириш ва қайта ишлаш, юқори сифатли тола олиш бўйича кичик комплексни шакллантириш, уни саноат негизига ўтказиш, пилла етиштирувчилар ва қайта ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини асослашга алоҳида ўрин берилган. Маълумки, республика пиллачилигида кўпгина муаммолар тўпланиб қолди. АСКни бошқаришнинг бутун системасида ипакчиликни юритишнинг иқтисодий усулларига, пировард натижаларни кўзлаб ишлашга ўтказиш ҳамда тармоқни бошқариш вазифалари талқин қилиб берилиши зарур. Шу муносабат билан анкетада бир қатор саволлар ўртага қўйилган:

Колхоз ва совхозларда ипакчиликни бошқариш бўйича масъулият бевосита кимнинг зиммасига юкланган!

Ипакчиликни бошқариш вазифалари ҳамда уларни амалга оширишда қуйидаги муаммоларни ҳал этиш нуқтаи назаридан келиб чиқиш даркор:

Ипакчиликнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, уни саноат негизига кўчириш, тут кўчатлари экиш, дарахтларни ремонт қилиш, сақлаб қолиш, парваришлаш, қурт учун барг тайёрлаш, озуқа жамғаришни транспорт билан таъминлаш, санитария-гигиена шароитларини яратиш ва унга риоя этиш, пилла тайёрлаш, реализация қилиш ҳамда бошқалар.

Пахта ҳосилдорлигининг пасайиш сабабларидан бири селекция ва уруғчиликнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидир. Бу соҳада АСК барча даражаларида бошқарув вазифаларини амалга оширишда аниқлик йўқ, юқоридан кўрсатмалар бериш, селекция, уруғчиликни бошқаришнинг маъмурий усуллари ҳамон устунлик қилаяпти, селекция ва уруғчилик учун АСК бошқарув системасида иқтисодий жавобгарлик муаммоси ҳал этилмаган, хўжаликлар кўпинча, у ёки бу селекция навлари уруғлигини олар эканлар, уни етказиб берувчилар гапига осонгина кира қоладилар, шундан кейин эса уруғлик етказиб берувчилар ўз маҳсулотлари учун ҳеч қандай моддий жавобгарлик сезмайдилар. Тадқиқотларда шундай савол бор: **«Колхозлар, совхозлар ва РАПОда ғўза, бошқа экинлар селекцияси ва уруғчилигини бошқариш вазифаларини мансабдор шахсларнинг кимнинг зиммасига юклаш мумкин!»**. Худди шу ерда вазифа ҳам қўйилган: **кейинги икки йил ичида ва 1988 йилда хўжаликлар қайси селекция навларидан воз кечишни ва қайси навларни экишни истадилар!**

Диққат марказида — инсон

КПСС Программасида шундай сатрлар бор: «Партия социал сиёсатни мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг, омманинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини оширишнинг, янги инсонни тарбиялашнинг, социал турмуш тарзини қарор топтиришнинг қудратли воситаси, жамият сиёсий барқарорлигининг муҳим омили деб билади». Шунинг учун ҳам иқтисодий-социологик тадқиқотларда колхозлар, совхозлар ва агросаноат комплексининг бошқа корхоналарида социал-маиший инфраструктурани ривожлантиришни бошқаришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Қишлоқ жойларда магазинлар, ошхоналар, касалхоналар, поликлиникалар, ҳаммомлар, сартарошхоналар ва бошқа хил социал-маиший мақсадларга мўлжалланган объектлар тармоғининг ривожи орқада қолаётганлиги, бир текис эмаслиги ҳисобга олиниб, социологик тадқиқотлар якунларига кўра конкрет районлар ва хўжаликлар мисолида партия социал сиёсатини амалга ошириш ҳамда алоҳида программаларни тайёрлашда ёрдам кўрсатиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади.

Хўжаликлар, районлар, областлар ва алоҳида регионларнинг меҳнат ресурсларини бошқариш, улардан оқилона фойдаланиш, хотин-қизларни оғир уй меҳнатидан халос этиш муаммоларига алоҳида ўрин берилади, мактабгача болалар муассасалари тармоғини ривожлантириш зарурлиги асосланади. Шу муносабат билан анкетага қуйидаги саволлар киритилган:

Хўжаликлар, райондаги энг яхши саналган мактабгача болалар муассасаларини тилга олинг. Улар тажрибаси умумлаштирилиб, кенг ёйилганми, илғор тажриба мактабга айлантирилганми!

РАПО ва хўжаликда социал-маданий инфраструктура объектларини бошқариш, кадрларни танлаш, жой-жойига қуйиш ва тарбиялаш, материал-техника ресурслари, жиҳозлар, ускуналар ва ҳоказолар билан таъминлаш вазифалари зиммасига юклатилган мансабдор шахсни кўрсатинг.

Ҳар бир колхоз, совхоз бўйича социал маданий-маиший объектларни жойлаштиришнинг илмий жиҳатдан асосланган бош схемалари, хўжаликларни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган планлари ишлаб чиқилганми! Ана шундай ҳужжатлар тайёрланган хўжаликлар, посёлкалар, аҳоли пунктлари ёки коллективларни санаб беринг.

Ҳар бир хўжалик бўйича уй-жой, саломатлик программалари ишлаб чиқилганми!

Колхозлар, совхозларнинг архитекторлари, конструкторлари лавозимини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсизми!

Социологик тадқиқотларнинг якунловчи қисми қуйидаги саволларни ўз ичига олган.

**Районда, хўжаликларда бошқарув системасини демократиялаш юзасидан қандай ишлар амалга оширилди, яна нималар мўлжалланм

ҚАШҚАДАРЁНИНГ БИР КУНИ

БАХТЛИ ХОНАДОН

Республикамиз қишлоқларида ҳалол меҳнатлари эвазига фаровон ҳаёт кечираётган оилалар кўп. Масалан, Китоб районидаги «Партия XIX съезди» совхозида истиқомат қилаётган Тўти опа ва Шаҳриёр ака Ашуровлар хонадонини барча ҳурмат қилади. Улар 43 йилдан бери аҳил турмуш кечираяпти. Оилада бири-биридан меҳнаткаш олти ўғил ва бир қиз тарбия топди. Душанбе қишлоқ хўжалиги институтини битирган Тўйчи айни пайтда асаларичилик совхозида бош зоотехник, Сайфулла, Иззатулла ва Раҳматулла асаларичилик совхозида меҳнат қилаяптилар.

— Турмушимиз яхши, бирор нарсадан етишмовчилигимиз йўқ, — дейди хонадон соҳибаси, турмуш ўртоғи билан кексалик гаштини сураётган Тўти опа. — Меҳнат қилган элда азизлигини ўз ҳаётим мисолида кўрдим. 1976 йилда пиллачиликда эришган ютуқларим «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. Бунинг учун партия ва ҳукуматимиздан миннатдорман...

БОҒБОНЛАР ҲИММАТИ

Яккабоғ районидаги «Яккабоғ» боғдорчилик совхозининг Т. Қўлдошев бошчилик қилаётган 2-бўлими боғбонлари шу кунларда мўл ҳосил етиштириш учун фидокорона ишлаяптилар. Улар бу йил ҳосилга кирган 105 гектар токзордан 1.500 тонна узум етиштиришга аҳд қилишган. Шунингдек, олмазор гектаридан 80 тоннадан, жами 2.000 тонна ҳосил олишни мўлжаллашаётир.

Маҳсулот етиштиришда айниқса Жангил Ҳусанова, Мисқол Пардаева, Ҳиммат Нурматова, Турсун Ражабова, Зуҳра Орзиева каби соҳибкорлар ўзларини кўрсатаяптилар.

Бу йил бўлим боғбонлари Москва, Ленинград шаҳарлари аҳолисига 1.200 тонна узум, 1,000 тонна олма тортиқ этиш учун курашаяптилар.

ШИРИНСУХАН ҲАМШИРА

Қарши шаҳар 1-болалар поликлиникаси ҳамширалари ҳақида гап кетганда Норгул Жўраева номи ҳурмат билан тилга олинади. Бу бежиз эмас. Ўз касбини пухта эгаллаган Норгул опа 44 йилдан бери қичқиртойлар соғлиғини муҳофаза қилиб келаяпти.

Меҳнат ветерани меҳрибон она, суюкли буви ва қайнона ҳамдир. Унинг тўрт ўғли, бир қизи ва олти набираси бор.

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛАР ҚУРИГИ

«Қаршистройиндустрия» бирлашмасига қарашли корхоналар, ташкилотлар, бўлинмалар бадиий ҳаваскорларининг кўрик-конкурсида икки юздан зиёд турли касб соҳиблари иштирок этишди. Унда ўз чиқишлари билан кўпчиликни ром этган бирлашма марказий аппаратининг иккинчи истеъдод эгаллари ғолиб чиқдилар. «Спутник» ишчилар посёлкасидаги ўсмирлар клуби иккинчи, темирбетон маҳсулотлари заводи ҳаваскорлари учинчи ўринни эгаллашди.

Айниқса бухгалтер Г. Чоршанбиева, юрист Н. Базалиева, машинистка В. Горсукова, диспетчер Н. Митрофанова, электрчи С. Криленконинг чиқиши томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

И. КОЗИМОВ.

ЧИННИ ЖИЛОСИ

Боғот районидаги Наримонов номли колхозда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш салмоғи йил сайин ошмоқда. Бунинг эвазига ҳар йили катта даромад олинаяпти. Ютуқларнинг боиси нимада?

Бу ерда бригадалар ва звеналар бир неча йилдирки, тўласинча пудратда ишламоқдалар. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган бу усули аввало ердан, техникадан, сув ва ўғитдан оқилона фойдаланишга имкон берди, интизомни мустаҳкамлаб ташаббускорликнинг қулф уришига кўмаклашди. Иккинчидан, у колхознинг тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлашга ўтишини тезлаштирди.

Бироқ буларнинг ҳаммаси пировардида бошқа муаммони юзага келтирди. Ишга яроқли қарийб 500 нафар одамнинг 30—40 процентигина йил мобайнида ишлаб чиқариш билан банд бўлаяпти, холос. Устига устак ҳар йили аҳоли сонига салкам 500 киши қўшилмоқда. Нима қилиш керак? Шунда правление, партия ва касаба союз ташкилотлари яқдил фикрга келишди: фойдаланилмаётган меҳнат ресурслари ҳисобига ёрдамчи саноат бўлинмалари ташкил этиш лозим.

Сўнгги йилларда бундай бўлинмалар ва цехлар сони 18 тага етди. Уларда аҳоли учун зарур бўлган ҳунармандчилик буюмлари, уйрўзғор асбоблари, қурилиш материаллари тайёрланаяпти. Масалан, чинни цехини олайлик. Бу ердан ҳар ойда 15 минг дона камёб буюм харидорларга етказиб берилаяпти.

Ёрдамчи саноат бўлинмалари ва цехлари тўла ишга тушгач, йиллик даромад 5 миллион сўмга етади. Бу қўшимча маблағ социал масалаларни ҳал этишга, меҳнаткашлар фаровонлигини яхшилашга сарфланади. Бу соҳада ҳозирга қадар ҳам анча-мунча ишлар амалга оширилди. Лекин ҳаёт уни жадал ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Наримоновликлар тажрибаси иқтисодий ва социал масалаларни биргаликда қўшиб олиб бориш, яъни хўжаликни ишнинг кўзини билиб юритиш нималарга қодирлигини тўла исботлаяпти.

И. ҲОТАМОВ.

СУРАТДА: колхоз чинни цехининг рассомлари Жамила Нурматова ва Онахон Хидирова иш устида.

Қ. ОТАЕВ фотоси. (ЎзТАГ).

Катта ёшдагилар ва болалар учун

ТАБИАТ ТОПИШМОҚЛАРИ

Юрий ДМИТРИЕВ

ТУНГИ МЕҲМОН

Тун. Қишлоқ уйқуда. Катта ёшдагилар ҳам, болалар ҳам. Тун сокинлигини тўсатдан итнинг қаттиқ вовиллаган овози бузди. Овозидан танидим: бу Боцманнинг ашаддий душмани — қўшнимизнинг ити Полкан эди. У вовуллагани-вовиллаган. Ҳатто овози ҳам бўғилиб қолган. Қишлоқ итларининг турли овозлари унга жўр бўларди.

— Оббо, ҳозир ҳаммани уйқусидан уйғотиб юборади-ку! Нима гап экан: бориб кўрай-чи, деб ўйладим-да, қўлчироқ олиб, камзулимни елкамга ташлаганча эшикка чиқдим.

— Полкан, Полкан! — деб чақирдим итни. Полкан овозимни таниб бир дақиқа жим бўлди, кейин ундан ҳам қаттиқроқ вовиллай бошлади.

— Жойингга бор, Полкан!

Қўлчироқни ёқиб қарасам: у нимандир ғажишга тайёр, аммо эпполмаяпти, шунга алам қилиб қаттиқроқ вовиллаётган экан. Энгашиб қарадим...

— Нима денг! Типратикан!

Полканни ҳайдаб, тиконли ғужанакни курткамга ўраб уйга олиб келдим. «Майли, Ромашкалар бир кўришсин» деган фикрда. Уйга келгач, бир катта кўзачани топдимда, типратиканни унинг ичига солдим, идишга сут тўлдириб, олдига қўйдим. Ухлагани уйга кириб кетдим. Эртасига Ромашкаларни кутавериб тоқатим тоқ бўлди ва, ниҳоят...

— Салом! Бугун биз мушукчани боқдик, у бўлса...

— Мен сизлар учун кутилмаган бир янгилик топиб қўйдим, — дедим ҳатто мушукча билан нима бўлганини охиригача тингламай...

— Кутилмаган янгилик? Қани у? Кўрса бўладими?

— Ҳозир, ҳозир, фақат қутичани олиб келай... Қараларинг, —тунги меҳмон ўтирган қутичани болалар олдига суриб қўйдим.

— Типратикан! — қувончдан қичқириб юборишди Ромашкалар. Маша бармоғи билан унга тегди-ю шу заҳотиёқ тортди. Типратикан дум-думалоқ бўлиб олди. Тиканларини шитирлатди ва пишқириб ҳам қўйди.

— Уни қаердан олдингиз? Нега қути ичида? — саволга кўмиб ташлашди мени Ромашкалар.

Уларга бор гапни сўзлаб бердим ва айтганларимга типратиканнинг ҳашаротхўр сутэмизувчи эканини ҳам қўшиб қўйдим.

— Қанақасига у ҳашаротхўр, яна сут эмизувчи? — тушунишмади Ромашкалар.

— Сенларни қараю! Ҳаммасини эсларингдан чиқарибсизлар-да! Ҳашаротхўрлар — демак, улар қўғиғзларни, капалак-қуртларни, моллюскаларни ейди, сичқон учраб қолса, уни ҳам қўймайди.

— Заҳарли қора илонни ҳамми? — сўради Ромка.

— Ҳа, заҳарли қора илонни ҳам. Нимадан қўрқарди у! Ана у ҳатто Полкандан ҳам қўрқмаяпти! Дум-думалоқ бўлиб олгач, қани унга тегиб кўр-чи! Сут эмизувчилар ўз болаларини сут билан боқадиган ҳайвонлардир, — эслатдим Ромашкаларга.

— Ўзимнинг ҳам эсимга тушди. Айтган эдингиз.

— Жуда соз! Қани энди типратиканни қўйиб юборайлик-чи. Уйга, ўрмонга кетиш вақти бўлди!

— Ўзимизга олиб қолсак-чи! Бизникида яшайверсин! Унга қараб турамиз... — айёрлик билан деди Маша.

— Йўқ, Маша, типратиканни қолдирмаймиз. Ҳайвонлар табиатда яшаш керакми — демак, ўша ерда яшасин. Уларни ўрмонда кузатиш мароқли. Бунинг устига якинда ёз тугаб, совуқ тушади. Ҳашаротлар яшириниб олишади, типратикан ҳам ўз уясида, яъни барглар уюми ёки шохшаббалар ичига кириб уйқуга кетиши керак. Қани, қутичани олиб юринглар-чи!

Типратикан пишқириб қўйди.

— Аччиғланма, аччиғланма. Ҳозир сени қўйиб юборамиз! Бироз чида.

Ўрмонга яқин жойда тўхтадик. Қутичани ерга қўйиб, қопқоғини очдик ва ўзимиз узоқроқ кетдик. Узоқ кутмадик. Аввалига кичик кўзли, ўткир бурунли чўзиқ тумшуқчасини чиқариб атрофга қаради, бироз кутди, кейин қутичадан чиқиб ўз уйига — ўрмонга шошмай пилдираб кетди.

— Хайр типратиканча! Эҳтиёт бўл!

Нима сабабдан типратиканни ҳашаротхўр сут эмизувчи деймиз?
Сиз тирик типратиканни кўрганмисиз?
Айтиб беринг-чи қаерда, қачон?
Типратиканлар ҳақида яна нималарни биласиз?

ЕР КОВЛОВЧИЛАР

— Тарас, биз билан ўрмонга юр! — таклиф қилишди Ромашкалар.

— Мен ҳам сиз билан борай, олиб кетингларми? — илтимос қилди жажки Павлик.

— Ким хоҳласа, ҳаммасини олиб кетамиз, — дедим ва дарахтга чиқиб олиб бизга бепарво қараб турган Мишка Кришкинга мурожаат қилдим. —Сен ҳам биз билан борасанми?

— У ерда нима қиламан? — беписанд деди бола.

— Менингча, кўпгина қизиқарли нарсаларни кўрмагансан.

— Ҳаммасини кўрганман, — деди Мишка ўдағайлаб, аммо ўзи дарахтдан тушиб, дёвор олдида ҳардамхаёл бўлиб турарди.

— Юр, юр, кейин афсусланмайсан, — —дедим болани таклиф қилиб.

Болалар олдинга чопиб кетишди, биз эса Мишка ва Павлик билан шошмай борардик.

— Яхшиси, дарёга бориш керак, чўмилиш мумкин, балиқ тутса ҳам бўлади, — бидирлади Мишка.

— Дарёга бориш албатта яхши, — уни қувватладим, — завқли!

— Ўрмонда нима бор ? Турли хил қўнғизу ўргимчаклар. Яна бақалар сакрашади... — устимиздан кулди Мишка.

— Бекор шундай деяпсан! Айт-чи, ўқишни биласанми?

— Тўртинчи синфга ўтдим! — ҳафа бўлди Мишка.

— Кичик бўлган пайтингда сенга китобларни ким ўқиб берарди?

— Ойим. Баъзида дадам.

— Демак, ҳарфларни ўрганмасдан, саводинг чиқмасдан, ўзинг китоб ўқий олмагансан. Шундайми?

— Ҳа, шундай! — Мишка гапни қаёққа бураётганимни пайқамасди.

— Ўрмон ҳам, Мишка, китоб, уни ўқиш, тилини тушунишга ўрганиш керак. Шундагина ҳайвонлар ва ўсимликлар сенга ўз сирларини очишади.

Шу пайт Павлик ғингшй бошлади.

— Уйга кетгим келаяпти! Чарчадим!

— Озгина сабр қил. Ҳозир анаву эман дарахтига етиб борамиз ва ўша ерда дам оламиз.

Ромка билан Тарас аллақачон дарахт устига чиқиб олишган эди. Қулай шохни топиб унга ўтирганча оёқларини ликиллатишарди.

— Қаранглар, ҳаммаёкда уюм-уюм тупроқ! Мана бу ерда ҳам, анаву ерда ҳам! Бу ёққа келинглар! — чақирди Маша.

Болалар шу заҳотиёқ дарахтдан сакраб тушишди.

— Мишка, бу нима биласанми?

Мишка шундай муғамбирона кўриниш қилдики бамисоли унга қизиқ эмасдек.

— Эҳтимол, нимадир ерости йўли ковлаб, тупроқни тепага ирғитаётгандир, — деган фикрни айтдим болаларга.

— Мен биламан. Айтсам майлими? — шошилиб қолди Тарас.

— Тўхта-чи, Ромашкалар ўйлаб кўришсин, балки, топишиб қолар... — илтимос қилдим.

— Ерости йўли? Бу... бу... чувалчанг! — тахмин қилди Ромка.

— Ахир, чувалчанг шундай ишни бажара оладими? Буни фақат оёқлари кучли, бўрни ерни парракка ўхшаб пармалайдиган ҳайвонгина ковлаши мумкин. Қани энди фаҳмладингларми?

Ромашкалар жим.

— Кўрсичқон-кўрсичқон! — ниҳоят эслади Маша, — Нега у ерни қазийди?

— Қанақа қилиб қазимасин? Кўрсичқон ахир ерости ҳайвони-ку. Уйи ер остида бўлиб, унга юмшоқ барглар, сомон тўшайди. У қурт-қумурсқа еб яшайди...

— Демак, у ҳашаротхўр, — деди Ромка.

— Ҳа, жуда тўғри. У чувалчанларни ҳам, шилиқ қуртларни ҳам ейди. Жуда очкўз ҳайвон, кўрсичқон очликка ҳеч чидай олмайди. Шунинг учун тинмай ишлайди: ер қазийди, овчи тизмаларидан овқат излайди, унинг уясидан турли томонга йўл кетади. Кўрсичқоннинг ов йўли турли хил бўлади — ерга яқинини устки йўл дейилади. Чуқуррағидаги йўли ҳам бор. Худди мана шу чуқуррақдаги йўлни қазиётганда ҳар икки-уч метр масофада тупроқ уюмини қолдириб кетади. Шу тупроқ уюмидан кўрсичқон йўлини кузатиш мумкин.

— Ҳозир кузатамиз, — деди Ромка ва тиззасида бир тупроқ уюмидан иккинчи тупроқ уюмига судрала бошлади. — Бу ёққа, кейин у ёққа, кейин яна бу ёққа, ҳатто адашиб кетди.

— Кўрсичқон қандайлигини биласизми? — сўрадим болалардан.

Чиройли бахмал пўстини бор, — деди Маша. — У ер остида яшайди.

— Тўғри. У ерости ҳайвоними, демак, унинг кўзи хира кўради. Аммо эшитиш ва ҳид билиш қобилияти зўр бўлади.

— Типратикан ҳам ёмон кўради, аммо эшитиш ва ҳид билиш қобилияти яхши. Типратикан қишда ухлайди. Кўрсичқон-чи? — сўради Ромка.

— Кўрсичқон бошқа ҳашаротхўрлар сингари қишки уйқуга ётмайди, — тушунтирдим мен.

— Типратикан ўз болаларини сут билан боқади. Кўрсичқон-чи?

— Кўрсичқонлар ҳам сутэмизувчилар. Она кўрсичқон ўз боласига жуда ғамхўр бўлади. Мен бўлсам, сизларга ҳеч ғамхўр эмасман. Тушлик қилиш пайти бўлса ҳам гапирганим-гапирган...

Болалар кулиб юборишди ва уйга қараб чопишди.

Кўрсичқонинг танаси, панжаси қанақалигини таърифлаб беринг.
Айтинг-чи, типратикан нима ейди!
Кўрсичқон-чи!

СЕВИМЛИ МАШҒУЛОТ

— Ромашкалар, айтинг-чи, дунёда энг яхши кўрган нарсангиз нима? — сўрадим бир куни.

— Кузьмич буванинг отларини боқишни яхши кўрамиз, — дейишди иккалалари баравар.

— Нега? — қизиқсиндим мен.

— Руслан қўлингиздан олиб еганда меҳрибонлик билан сизга қараб бошини ликиллатади. Уни силаб эркалатиш, бўйнидан қучиш ҳам мумкин, — деди Маша.

— Яна муз қаймоқни яхши кўраман, расм чизиш ва пичан устида умбалоқ ошиш менга ёқади. Мазза, чунки пичан юмшоқ ва хушбўй бўлади.

— Кеча Кузьмин бува пичаанни ағдарди. Мен кўрдим. Юр, умбалоқ ошасан! — деди Маша.

Улар югурганча кетишди, ҳатто мендан рухсат сўраб ҳам ўтиришмади. «Нима, қилишаётган экан, бориб кўрай-чи, тағин бутун ғарамни ҳаммаёққа сочиб ташлашмасин!» — ўйладим мен.

Ўйлаганимча бўлиб чиқди! Ромашкалар пичан ғарамига ҳужум бошлашган экан. Кулгию бақир-чақирни айтмайсизми!

«Уларни қандай бўлмасин тўхтатиш керак — ўйлай бошладим. — Аммо қандай?» Тўсатдан болаларнинг ўзлари ўргатган бир ўйин эсимга тушди.

— Қотиб қолинг! — деб бақирдим... Шу пайт мўъжиза содир бўлди. Ромашкалар турган жойларида қотиб қолишди. Мен енгил нафас олдим.

— Майли, тирилинг, — раҳм қилдим уларга.

Ромашкалар ҳеч нима бўлмагандек ғарамдан тушишди-да, ёнимга келиб ўтиришди.

— Жуда соз! Жимгина бироз ўтирайлик-чи балки ниманидир кўриб қолармиз!

— Ҳидини қара! Роса зўр-а, Ромка? — сўради Маша.

— Ҳа! — жавоб қилди Рома.

— Ромка, ҳув анави дарахтларга қара, барглари сарғайибди. Мен биринчи бўлиб кўрдим!

— Ҳа!

Шундан кейин Маша ердан бир дона майсани узиб олиб укасининг қитиғига тега бошлади. Ромка бўлса қўл силтаг ва аксирарди.

— Бу қанақа ўтлигини биласанми? — дедим Машанинг диққатини ўзимга тортиш учун.

— Бу қитиқ келтирадиган ўт, —бамайлихотир деди қизалоқ.

— Асло. Бу яхши ҳид таратадиган бошоқ. Пичаннинг хушбўй ҳиди шу бошоқдан. Тўғри, қашқарбеда, тилқиёр, шувоқлар ҳам ҳидли ўсимликлар. Аммо энг хушбўйи шу бошоқ. Шуниси қизиқки, ўсиб турган жойида у бундай ҳид бермайди, узиб, бир-икки кунгина қуёшда қолдирсангиз, бас, ажойиб муаттар ҳид пайдо бўлади.

Ромашкалар ҳидлаб кўришди-ю тағин жим бўлиб қолишди... Шунда тўсатдан пичан шитирлади. Биз бир-биримизга қараганча қотиб қолдик. Шитирлаш тўхтади. Кейин кимдир яна шитирлата бошлади ва ниҳоят маржон кўзли мўйловли тумшуқ кўринди. Кейин калтадум сарғиш тана кўринди. Ромашкалар жим ўтиришга ўрганиб қолишган. Аммо уларнинг кўзларидан ниманидир сўрамоқчи эканликларини сезиб турибман. Йиртқич эса кетмаяпти, демак, бироз сабр қилиш керак. Атайлаб пичанни шитирлатмоқчидек у ёқдан бу ёққа югура бошлади ва тўсатдан йўқ бўлиб қолди... Кейин яна пайдо бўлди. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди.

— Сичқон! — бошқа чидай олмади Маша.

— Сичқонлар малла бўлмайди, — қаршилик билдирди Рома ва менга қаради.

— Бу малларанг даласичқони. Кемирувчи. Мамлакатимиз территориясида яшовчи кўпгина кемирувчиларнинг бири. Уй сичқонини ўрмонда, ўрмон сичқонини эса далада учратиш мумкин бўлганидек дала сичқонини ҳам у шундай аталса-да, ўрмонда кўриш мумкин.

— Демак, дала сичқони — бу сичқон эмас? — яна бир бор ўзича аниқлик киритди Маша.

— Дала сичқони ҳам, сичқон ҳам кемирувчилар. Аммо турли хил. Сичқонларнинг думи тук билан қопланган ва узун танаси эса бироз олдинга чўзилган, тумшуқлари чўзиқ бўлади. Уй сичқони кулранг бўлади. Дала сичқонининг эса тумшуғи чўзиқ бўлмайди. Танаси бунчалик узун ҳам эмас, думи бўлса калта. Ранги қанақалигини ўзингиз биласиз.

— Бувимиз уйда сичқонни кўрганлари заҳотиёқ Васькани излаб қоладилар.

— Бувингиз тўғри қиладилар. Сичқонлар кемирган нонни ейиш ёки уй сичқони теккан ёрмадан овқат тайёрлаш номаъқул иш.

Умуман кемирувчилар одамларга анча ташвиш орттиришади. Ҳатто зиён ҳам келтиришади — донни еб қўйишади, ниҳолларнинг пўстлоғини кемириб, кўчатларни пойма қилишади. Биттагина дала сичқони ёки сичқон албатта катта зиён келтиролмайди. Аммо кемирувчилар тез кўпаяди. Бир йилда битта она сичқон ўттиз ва ҳатто ундан кўпроқ бола туғиши мумкин.

— Қойил-эй! Бунчани ҳатто Васька ҳам йўқотмаса керак, — Ромка ростдан хавотирда эди.

— Хавотир олма! Ердамчиларимиз ва дўстларимиз бор. Сен уларни яхши биласан.

— Биламан, албатта! Уларни ҳозир эслайман.

Сиз энди хушбўй ҳиднинг нима беришини биласиз. Пичаннинг ҳидни эсингиздами! Кемирувчиларга қарши курашда одамларга ким ёрдам беради!

Спорт хабарлари

ФУТБОЛ

Мамлакат чемпионати биринчи лигасида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувларнинг ўн биттасида дарвозалар йигирма беш маротаба ишғол этилди. Майдон эгалари ўн саккизта, меҳмонлар эса еттита тўп уришди. Шунинг ўзи ҳам ўйинлар мезбонлар устунлигида ўтганлигини яққол кўрсатади. Дарҳақиқат, улар етти ўйинда ғалаба қозондилар, фақат бир учрашувгина меҳмонларга муваффақият келтирди. Уч матчда очколар баҳам кўрилди.

Ўйиндар жадвалида карвонбошилик қилаётган «Помир» ўз мавқеини янада мустаҳкамлади. Тожикистонлик футболчилар Никополда маҳаллий «Колос»ни 2:0 ҳисобида енгишди. Иккинчи ўринда бораётган «Динамо» (Ставрополь) коллективи ўз майдонида Пермнинг «Звезда» командасини мағлубиятга учратди — 2:0. «Кузбасс» (Кемерово) — ЦСКА баҳсида ҳисоб очилмади.

«Пахтакор» сафарда Запорожьенинг «Металлург» коллективи билан дуранг ўйнаб (1:1), жамғармасидаги очколарни 16 тага етказиб олди.

Бошқа учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: «Спартак» (Оржоникидзе) — «Геолог» (Тюмень) — 4:0, «Шинник» (Ярославль) — СКА (Ростов) — 1:1, «Таврия» (Симферополь) —«Ротор» (Волгоград) — 3:0, «Заря» (Ворошиловград) — «Даугава» (Рига) — 3:2, «Ростсельмаш» (Ростов) — СКА «Карпати» (Львов) — 2:1, «Динамо» (Ботуми) — «Кубань» (Краснодар) — 1:0, «Гурия» (Ланчхути) — «Котайк» (Абовян) —1:0.

Навбатдаги тур учрашувлари эртага, 19 июнда бўлиб ўтади. Шу куни «Пахтакор» Никополда маҳаллий «Колос» командаси билан учрашади.

ШАХМАТ

Бельфорда жаҳон кубоги мусобақалари ўтказилаяпти. Гарри Каспаров иккинчи турда кубалик гроссмейстер Х.Ногерайсни доғда қолдирди. Бу унинг иккинчи ғалабаси. А. Карпов И. Хьяртарсонни, Я. Тимман А. Белявскийни енгди. Л. Любоевич — Б. Спасский, У. Андерссон — Д. Спилмэн, Я. Эльвест — Р. Хюбнер, Н. Шорт — З. Рибли, А. Соколов — А. Юсупов учрашувлари дуранг бўлди.

Икки турдан кейин 2 очко жамғарган жаҳон чемпиони Гарри Каспаров олдинда бораётир. Бир яримтадан очко тўплаган Андерссон ва Спасский иккинчи-учинчи ўринларни эгаллаб турипибди.

ЧИМ ХОККЕЙИ

СССР ёшлар терма командаси Найробида (Кения) давом этаётган халқаро мусобақанинг иккинчи учрашувини бой берди. Командамиз Кения-1 терма командасидан 2:4 ҳисобида енгилди. Маълумки, улар илк матчда канадаликларни мағлубиятга учратишган эди — 1:0.

Канада ва Кения-2 хоккейчилари ўйинида 3:2 ҳисоби қайд этилди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Австриянинг Швехат шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада совет спортчилари ҳам иштирок этдилар. Уч ҳатлаб сакрашда ғолиб чиққан О. Сакирикин (17 метр 10 сантиметр) ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди.

Хотин-қизлар ўртасида 400 метрга тўсиқлар оша югуришда А. Амбразене биринчи бўлди. Узунликка сакрашда С. Соринага тенг келадиган рақиб (6 метр 70 сантиметр) топилмади. В. Додика 800 метрга югуришда марра чизиғига иккинчи бўлиб етиб келди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ХАБАР БЕРАДИ

ҚАСАМЁДГА СОДИҚ ҚОЛДИЛАР

Бу воқеа 16 июнь куни тонг саҳарда рўй берди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг навбатчилик қисмига кимдир телефонда ҳаяжонга тўлиб-тошган ҳолда Юнусобод массиви 16-кварталининг шундоқ биқинида — «Чимкентский» ГАИ постида отишма бўлаётганини маълум қилди. Зудлик билан юборилган наряд аъзолари ГАИ постида йўл-пост хизмати инспекторлари — милиция старшиналари Муса Гашимов ва Олимжон Асқаровни баданлари илма-тешик бўлиб кетган ҳолда кўришди.

Жиноятчиларни қидириш ва қўлга олиш учун тревога сигнали бўйича бутун шахсий состав оёққа турғазилди, оператив группа тузилди, шаҳарга кириладиган чиқиладиган автомобиль йўллари тўсиб қўйилди. Бундай чоралар кўрилишининг асосли сабаблари бор эди: милиционнинг ўлдирилган ходимларига тегишли тўппончалар ўқлари билан бирга олиб кетилганди. Безорилар шаҳарда ҳар қандай номаъқулчиликлар қилишлари хавфи бор эди.

Барча постлар ва патруль группаларга маълум қилинган қидирув эълонида жиноятчи ўтирган лимон рангли «Жигули» автомашинаси тилга олинганди.

ГАИ бошқармасининг қидирув бўйича инспектори милиция катта лейтенанти Маткарим Матчонов хизмат машинасида кетаётганида рация бўйича шу ҳақда эшитди. Бу пайтда у Олой бозори яқинида эди. Матчонов машинадан тушиб Юнусобод томонидан Энгельс кўчаси бўйлаб ёлғиз учиб келаётган «Жигули»га тўхташ ишорасини қилди. Автомашинадан яқинлашиб келаётган милиционерга қарата ўқ узилди. Ўқ отган одам машинадан сакраб тушди-да, «Марказ-5» квартали уйлари томон қоча бошлади, йўл-йўлакай тўппончадан ўқ узарди. Уни таъқиб этиб бораётган Матчонов бир неча ўн қадам югуриб, сўнг йиқилди. Ўқ отган ҳалиги одам ёширинган уй шу заҳоти етиб келган ходимлар томонидан ўраб олинди. Орадан кўп ўтмай жиноятчи қўлга тушди. Ундан учта тўппонча топилди, иккитаси «Чимкентский» постида ўлдирилган ГАИ ходимларидан олиб қочилган эди.

Тезда иккинчи жиноятчи ҳам аниқланди. Маълум бўлишича, улар Олмаотада яшаб, илгари судланган, ҳозир ҳеч қаерда ишламайдиган 24 яшар Сергей Сорокин ҳамда 28 яшар Родион Пономарев бўлиб, 12 июнда олиб қочилган қизил рангли «Ява-350» мотоциклида Тошкентга кириб келишган, қуролни қўлга киритиш учун қулай вазият кутиб юришган. Тонг палласида милиция ходимлари уйқуда бўлишларини мўлжаллаб «Чимкентский» ГАИ постига ҳужум қилишган. Бироқ улар чучварани хом санаган эдилар. Тўғри, қуролли жиноятчиларнинг қўққисдан ҳужуми аввалига улар учун қўл келди, албатта.

Бироқ ҳаёт-мамот учун жанг борарди. Гражданларнинг отишмалар бўлаётгани ҳақида ички ишлар бошқармасига телефон орқали маълум қилганлари ҳам, ҳалок бўлганларнинг таналаридаги сон-саноқсиз ўқ ва тиғ яралари ҳам шундан далолат бериб турибди. Эндиликда милиция уч ходимининг фарзандлари ўз оталарини ҳеч қачон кўрмайдилар. Оғир яраланган катта лейтенант Матчонов касалхонанинг соғайтириш бўлинмасида ҳаётдан кўз юмди.

Милиция ходимлари ўзларининг ёш ҳаётларини ғаровга қўйиб, шаҳарликларни янги жиноятлардан муҳофаза этдилар. Дастлабки маълумотларга қараганда, безорилар Олмаотада қатор оғир жиноятлар қилишган.

Шаҳар жиноят қидирув бўлими ва прокуратурасининг оператив-тергов группаси иш олиб бормоқда. Ҳаммаси ҳақида ҳозирча матбуотда эълон қилиб бўлмайди, бироқ шу нарса аниқ: милиция ходимлари ўз хизмат бурчларини сўнгги нафасларигача ҳалол адо этдилар. Коммунист, озарбайжон Муса Гасан ўғли Гашимов ҳам, партиясиз, ўзбек Олимжон Асқаров ва Маткарим Саъдуллаевич Матчонов ҳам.

ГАИ постида бўлиб ўтган тунги олишув тафсилоти ҳақида тергов ниҳоясига етганидан кейин ёзилади.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги снёсий бўлимининг матбуот группаси.

Редактор ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р—16702. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. А. 2023. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12